Мавзу: Қиёсий педагогика фани ривожланишида халқаро ташкилотлар ва уларнинг фаолияти.

Режа:

1. ЮНЕСКО ташкилотининг таълим соҳасидаги фаолияти.
2. ЮНИСЕФ, МОТ(ХМТ) халқаро ташкилотларининг вазифалари ва таълим-тарбия жараёнлари юксалишидаги ўрни.
3. АҚШ нинг “Тинчлик корпуси” ва унинг иш фаолияти.

Таянч сўзлар:

БМТ;

ЮНЕСКО;

ЮНИСЕФ;

МОТ(ХТМ);

“Тинчлик корпуси”

ЮНЕСКО- бу ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан, маданият масалаларини ривожлантиришга ихтисослаштирилган ташкилоти бўлиб, у 1946 йилда ташкил этилган.

1992 йилги маълумотларга қараганда, бу халқаро ташкилотга жаҳоннинг 171 давлати, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзодир.

Бу ташкилотнинг қароргоҳи Франциянинг пойтахти Париж шаҳрида бўлиб, унинг олий бошқарув органи — Бош директордир.

Бу халқаро ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг вакиллари 2 йилда бир марта ўзларининг Бош конференцияларига тўпланадилар. Бу анжуманда улар ЮНЕСКОнинг кейинги 2 йиллик фаолиятининг дастурини қабул қиладилар. Ушбу дастурни амалга ошириш учун унга аъзо бўлган давлатлар маблағ — бюджет ажратадилар.

ЮНЕСКО фаолиятида халқаро ҳамкорлик, тинчликни сақлаш масалалари асосий ўринни эгаллайди. Шу туфайли ҳам унинг Низомида

“Уруш ҳақидаги фикрлар одамлар ақлида пайдо бўлади, бинобарин, уруш васвасасини уларнинг онгидан чиқариб, тинчиликни ҳимоя қилиш ғоясини тарбияламоқ керак”- деб ёзиб қўйилган.

ЮНЕСКО фаолияти ўта хилма-хил ва кўп қирралидир. Лоақал унинг таълим бўйича фаолиятига назар ташлайлик. Бу борадаги ишлар жуда кўп йўналишларда олиб борилади ва бу йўналишлар бир-биридан муҳимдир. Бу ривожланаётган мамлакатларда саводсизликни тугатиш, жаҳон таълими ривожланишидаги тенденцияларни таҳлил қилиш ва уни оммалаштириш, у ёки бу мамлакатда таълим бўйича олиб борилаётган сиёсатни ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш ва хоказолар.

ЮНЕСКО мазмунли таълимининг ҳамма учун бирдай имконият доирасида бўлишини таъминлаш, унинг узлуксизлигини қарор топтириш, таълимни ва унинг шаклини келажакда ривожланиши тамойилларидан келиб чиқади.

Ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларни назарий-методик савиясини муттасил ошириб бориш, жаҳоннинг баъзи мамлакатларида муаммо бўлиб ҳисобланган хотин-қизларнинг эркаклар билан баб-баробар билим олиш ҳақ хуқуқларини таъминлаш, экологик таълимни йўлга қўйиш дарслик ва дастурларни такомиллаштириш, мамлакатлар ўртасида таълим бўйича ҳамкорликни бутун чоралар билан ривожлантириш ва жуда кўп бошқа масалаларни ҳал этади.

Бу саҳоватли фаолиятнинг барчаси ёшларга жаҳон талаблари руҳида таълим бериш уларни халқаро ҳамкорлик, ўзаро ишонч, дўстлик, биродарлик руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

Фан ва технологияни ривожлантириш борасида ЮНЕСКО бир қатор давлатлараро дастурни амалга оширди. Бу дастур асосан экологик муҳитни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш билан боғлиқдир. Шунингдек, мазкур йуналишда мувофиқлаштирилган, биргаликдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш, жаҳон илмий марказлари, университетлар,

олимлар ҳамкорлигини ривожлантириш билан боғлиқ муҳим ишлар ҳам йўлга қўйилади.

Маълумки, ҳозирги дунёда миллатлар ва халқларнинг маданий, тарихий меросларини, осори атиқаларини асраш, авайлаш, келажак авлодлар учун уни сақлаш, таъмирлаш ишлари катта аҳамиятга моликдир.

Бу жаҳоншумул масалада ЮНЕСКО асосий ўринни эгаллайди. Унинг рўйхатига жаҳон тарихий ёдгорликларининг ифтихори ҳисобланган буюк Хитой девори, Лондон Тауэри, Клименжародаги миллий парк ва бошқа минглаб объектлар киради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент ва бошқа жойларидаги кўплаб тарихий обидалар ана шу рўйхатга киритилди.

Ҳар йили бу рўйхатга янги-янги тарихий обидалар, ёдгорликлар номи қайд этиб борилади.

ЮНЕСКО фаолияти таркибига яна халк оғзаки ижодиёти, фольклор, ўланлар, айтишувлар, мақомлар, халк куйлари, лапарларни сақлаш ҳам киради.

Адабиёт бўйича ЮНЕСКОнинг роли айниқса салмоқлидир. Жаҳон адабиёти, унинг шох асарлари, адабий мерос айниқса у томондан эъзозланиб, улар тўпланади ва жаҳоннинг турли тилларига таржима қилиниб, босмадан чиқарилади ва тарқатилади. Шунингдек, ЮНЕСКО оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, жаҳон аҳлини воқеа ва ходисалардан воқиф қилиш масалаларига ҳам фаол қатнашиб унинг ривожланишига кўмаклашади.

Бу халқаро муассаса кўплаб вақтли матбуот ва нашрларга хомийлик қилади.

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолигига қабул қилингач, БМТнинг барча ташкилотларига хақли аъзо бўлиб кира олиш хуқуқига эга бўлди. Шу боис Республикамиз 1993 йил 26 октябридан бошлаб ЮНЕСКОга аъзо бўлиб кирди.

Юқоридаги саналардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо бўлганига икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Лекин шу қисқа вақт ичида кўп нарса қилиб улгурилди.

1993 йилнинг юқорида ЮНЕСКОнинг кўзга куринган экспертлари юртимизга ташриф буюриб, Самарқанд, Бухоро Хива шаҳарларининг тарихий обидаларини бориб кўрдилар в ўргандилар. Уларда бу шаҳардаги бетакрор тарихий обидалар катта таассурот қолдирди. Натижа шу бўлдики, халқимизнинг бу ўчмас ёдгорликлари қайта тикланиб, таъмирлаш дастури тузилди ва бу дастурни 1995 йил бошларидан амалга оширишга киришиладиган бўлди.

1994 йилнинг апрел ойида ЮНЕСКОнинг барча бўлимларининг вакиллари Тошкентга келишди. Уларнинг бу ташрифидан мақсад Марказий Осиё республикаларида ЮНЕСКОнинг вазифаларини аниқлаб олишдан иборат эди.

Шу йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё ва жаҳон олимлари учрашиб, бу шаҳарда ЮНЕСКО тасарруфидаги Марказий Осиё республикаларини ўрганиш институти ташкил этишга қарор қилинди.

Бу институт жаҳоннинг шу минтақасида ўрганиш бўйича, энг йирик марказ бўлиб қолади, бинобарин, Самарқанд ўрта асрларда бўлганидек, ҳозир ҳам жаҳоннинг энг кўзга кўринган илмий марказларидан бири бўлиб қолади.

ЮНЕСКО ташаббуси билан Франциянинг Париж шаҳрида, самарқандлик олим, давлат арбоби Мухаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилей тантаналари бўлиб ўтди. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларининг бутун жаҳон тарихий обидалар шаҳарлари рўйхатига киритиш бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинди.

ЮНЕСКО Марказий Осиёда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш истиқболларини ўрганиш ишида ҳам катта амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бу иш шуниси билан катта аҳамиятга моликки, бутун Марказий Осиё Республикалари Орол денгизининг қуриб бораётганлиги муносабати

билан жиддий экологик тангликка, саноат чиқиндиларидан атроф- муҳитни ифлосланиши каби муаммоларга дуч келмоқдалар.

ЮНЕСКО ана шу муаммоларни, бошқа халқаро ва ҳудудий ҳамжамият ташкилотлари билан ҳамкорликда бу бартараф этиш йўлида ишлашга ўзининг тайёр эканлигини изҳор этди.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон маданияти ва маърифатини ривожлантириш ун йиллигини (1988- 1997) ўтказишга қарор қилган эди.

ЮНЕСКО ҳам шу доирада фаолият кўрсатиб, бир пайтлар жаҳон иқтисодий, маданий ва маърифий ривожланишида муҳим ўрин тутган «Буюк Ипак Йўли» ни комплекс ўрганиш дастурини қабул қилди. Бу дастурнинг мақсади Шарқ билан Ғарб ўртасидаги бу қуруқликдаги ва денгиздаги савдо йўлини салоҳиятини аниқлаш, тиклашдан иборат бўлса, иккинчи томондан бу йўл Шарқ билан Ғарбнинг маданий ва маърифий ҳамкорлигини ҳам бир-бирига боғловчи муҳим кўприк эканлигини очиб бериш, уни тиклашдан иборатдир.

Эндиликда бу улкан тадқиқотлар тўрт асосий йўналишда олиб борилмоқда:

1. Ипак йўли мамлакатларига кирувчи халқларнинг тили ва ёзувини ўрганиш;

2. Карвонсаройлар ўрнини аниқлаш ва уларни қайта тиклаш, почта алоқаларини йўлга қўйиш;

3. Космик археологияни қайта жонлантириш;

4. Жаҳон туристлар ташкилоти билан ҳамкорликда ипак йўли бўйлаб туристик йўналишларни очиш ва уни харакатга келтиришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда Республикада ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ташкил этилди. Бу комиссия таркибига давлат арбоблари, олимлар, таниқли маданият ҳодимлари билан бир қаторда таълим муассасаларининг ҳам вакиллари киритилди.

ЮНИСЕФ 1946 йилнинг 11 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясидаёқ бир овоздан ЮНИСЕФ — БМТнинг Фавқулодда Болалар Фонди номи билан таркиб топди.

ЮНИСЕФ ташкил топган дастлабки йилларда уни маблағи урушдан қаттиқ жабрланган Европа ва Хитойда болаларга озиқ-овқат, дори-дармонлар учун сарф қила бошлади. 1950 йил декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФ ваколатини янада кенгайтирди. Унинг маблағлари ривожланаётган давлатлардаги сон-саноқсиз болалар учун сарфлайна бошлади.

1953 йилнинг октябридан БМТ Бош Ассамблеяси ЮНСЕФни ўзининг доимий органига айлантирди. Энди у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар фондига айлантирилди. Лекин унинг кафолатлари ва вазифалари тўлалиги сақлаб қолинди. 1960 йиллардан бошлаб ЮНИСЕФ болалар манфаатини глобал ҳимоя қилувчи забардаст органга айланди.

1965 йилда ЮНИСЕФнинг Нобель мукофотига сазовор бўлиши халқаро болалар ҳаётида нақадар хайрия ва саховат манбаи бўлиб шаклланганлигининг тўла эътироф этилиш 6ўлди.

Ҳозирги даврда ҳам ЮНИСЕФ болалар манфаатини ҳимоя қилишга, уларни соғлом, ўқимишли бўлиб ўсишларига кўмалашиш, болалар ўлимини олдини олиш, оммавий қирғин келтирувчи ва бошқа хавфли касалликлардан муҳофаза қилиш оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, лоақал қизлар ҳамда ўғил болаларга бепул бошланғич маълумот бериш, улар фаровонлигини таъминлаш ишларига асосий эътиборни қаратмокда.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, бу саҳоватли ташкилот бизнинг мамлакатимизда ҳам инсонпарварлик фаолиятини бошлаб юборди.

Унинг Республикамиздаги фаолиятининг асосий йўналишлари оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларга керак, тиббий ёрдам кўрсатиш, тўла қонли таълим бериш, турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий кафолатларини

ҳимоя қилишдан иборатдир. Шунингдек ЮНИСЕФ республикамизда оналар ва болалар касалликларини олдини олиш, уларни 100 фоиз иммунизация қилиш болаларни чечак, оч терлама, дифтерия, полиомиелит, кўк йўтал, қутуриш каби касалликлардан ҳимоя қилиш каби амалий ишларни бажармоқда. Худди шу мақсадларда мана икки йилдан буён Ўзбекистонлик болаларга вакциналар келтирилмоқда.

Мана шу дастурга асосан дори-дармонлар, тиббиёт анжомлари ва бошқа зарур нарсалар олиб келинмоқда, оммавий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, турли плакатлар, йўриқномалар, қўлланмалар нашр қилинмокда.

ЮНИСЕФ таълимни амалга оширишга кўмаклашишда ҳам фаол қатнашмоқда. Айниқса бу ташкилот мактабгача тарбия ва бошланғич таълимга кўпроқ йўналтирилган.

Албатта, ЮНИСЕФнинг таълим бўйича дастурида кўзда тутилган бир қатор ишлар ҳам лойиҳа босқичида турибди.

1990 йилда жаҳоннинг 71 давлати бошлиқларининг олий даражадаги тарихий учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Болалар соғлиғини таъминлаш уларга билим бериш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тўқ ва фаровон болаликни таъминлаш бўйича 2000 йилга мўлжалланган 27 аниқ мақсадни кўзловчи қарор қабул қилинди. Ҳозиргача бу қарорни 153 мамлакатда маъқулланди. Бизнинг Республикамизда ҳам 6у халқаро хужжатни амалга ошириш бўйича «Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқишга киришилган.

МОТ (ХМТ) Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, уларнинг меҳнат турмуш шароитини яхшилаш, иш билан таъминлашни йўлга қўйиш, меҳнаткашларнинг жамият талабларига мос касб билан таъминлаш уларнинг касб маҳоратларини ошириш, иқтисодий аҳволини яхшилаш каби ижтимоий адолат тамойилларини амалга оширувчи халкаро ташкилот — МОТ (халқаро меҳнат ташкилоти) биринчи жаҳон урушидан кейинроқ ташкил этилган эди.

Унинг ташкил этилишига биринчи жаҳон уруши оқибати, жаҳонда юзага келган ижтимоий-иқтисодий ҳолат сабаб бўлди. Чунки жаҳонда рўй

бераётган барча ижтимоий иқтисодий ислоҳотлар жаҳон миқёсида акс этмоғи кўзда тутилган эди.

ХМТнинг энг ноёб хусусияти шундаки, унда иш берувчилар ва меҳнаткашлар иқтисодиётда ижтимоий ҳамкорлигини шакллантиради давлат муассасалари билан тенг ҳуқуқ, ташкилотнинг сиёсати ва фаолияти дастурини ишлаб чиқишда иштирок этади.

Орадан 25 йил ўтгандан кейин ХМТнинг Филадельфия Конференциясида унинг мақсад ва вазифалари кенгайтирилди, жаҳоннинг ривожланган, ривожланаётган давлатлари ўртасида аҳолини меҳнат ва меҳнатга тайёрлаш бўйича кенг ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалалари энг долзарб масала деб қабул қилинди.

1946 йилдан ХМТ Бирлашган Миллатлар Ташкилотини биринчи ихтисослаштирилган муассасасига айлантирилди. 1969 йилда унинг фаолияти Нобель мукофоти билан тақдирлаш лойиқ деб топилди. Унга 1993 йил ҳисоби билан 168 мамлакат аъзо бўлди.

У ҳозир қуйидаги вазифаларни бжармоқда:

1. Меҳнаткашларнинг иш шароитини ва турмуш тарзини яхшилаш, ишга жойлаша олиш қобилиятини ошириш;

2. Халқаро меҳнат нормативларини жорий этиш, уни қўлланишини назорат қилиш;

3. Кенг кўламда халқаро техник-технологик ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу соҳада давлатлар ўртасида фаол ҳамкорликни ва бу сиёсатни самарали амалга оширишни йўлга қўйиш;

4. Профсессионал тайёргарлик, ҳунар-техника таълими умумий тадқиқотлар, нашриётлар соҳасида фаолият кўрсатиш ва хоказолар.

Бундан ташқари ХМТ ўзининг қудратли ўқув марказига ҳам эга. Бу ўқув маркази Италиянинг Турин шаҳрида бўлиб, йилига унда 170 мамлакатдан 60 мингга яқин кишилар меҳнатга тайёрлаш, таълим, ташкил этиш каби энг замонавий ва долзарб соҳаларда ўқитилади.

Шунингдек ХМТ тасарруфида Женева шаҳрида ижтимоий меҳнат бўйича тадқиқотлар олиб борувчи халқаро институт ишлаб турибди.

ХМТнинг олий органи ҳар йили ўтказиладиган халқаро Конференциядир. Унда меҳнатни ташкил қилиш, унинг халқаро ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, меҳнат таълимини амалга ошириш ва бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилади. Конференция ишига маъмурий кенгаш раҳбарлик қилади. Бу кенгаш таркибида 28 ҳукумат, 14 меҳнаткашлар, 14 иш билан таъминловчилар вакиллари бор. Унга доимий раҳбарликни халқаро меҳнат бюроси амалга оширади. Бюрога эса Бош директор раҳбарлик қилади. Бу лавазимда белгиялик Мишель Хансенн фаолият кўрсатмоқда.

Ўбекистон Республикаси ХМТга 1992 йил 13 июлда аъзо бўган. Ўзаро муносабатлар яхши ривожланмоқда. Бу ҳамкорлик:

а) Ўзбекистон фуқароларини ўз-ўзини иш билан таъминлаш;

б) меҳнат тақсимоти, иш билан таъминлаш, касбларга ўқитиш масалаларида чет элларда малака ошириш;

в) аҳолини кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш;

г) касб таълимини йўлга қўйиш йўналишларида ривожланмокда.

Республика ишчи кучларини халқаро меъёрга олиб чиқиш, касб таълимини такомиллаштиришга бағишланган бир қатор семинар-кенгашлар ХМТ, Республика халк таълими ва меҳнат вазирликлари билан ҳамкорликда ўтказилди. ХМТ билан ҳамкорликнинг янги босқич ва йўналишларда ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Президент Жон Ф. Кеннеди 1961 йилнинг 1 мартида ўзининг махсус фармони билан Тинчлик корпусини ташкил этди. Унинг вазифаси эса, бир-бирини ўзаро тушуниш орқали ҳар хил миллат кишиларининг ўртасида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашдир. Тинчлик Корпуси — Америка Қўшма Штатларининг мустақил ҳукумат муассасаси, Президент Ижроия комитетига ҳисоб берувчи ҳукумат ташкилотдир.

Бу ташкилот сиёсий ташкилот эмас. Уни маблағ билан АҚШ Конгресси таъминлайди. Тинчлик Корпусининг раҳбари Президент томонидан тайинланади, унинг кўрсатмаларига мувофиқ ишлайди, унга ҳисоб беради.

ТИНЧЛИК КОРПУСИНИНГ УЧ МАҚСАДИ

1. Муҳтож мамлакатлар ва уларнинг фуқароларига юқори малакали мутахассислар билан ёрдам бериш;

2. Жахондаги бошқа мамлакатлар ва одамларнинг АҚШ ва унинг одамларини яхшироқ тушуниб олишига кўмаклашиш;

3. Америкаликларга баъзи мамлакатлар ва унинг кишиларини яқиндан таништириш. Шу асосда инсонларнинг бир бирига яқинлашувини таъминлашдан иборатдир.

ТИНЧЛИК КОРПУСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ

Чет элларда кўнгиллиларни қўллаб-кувватлаш мақсадида офислар тузилиб, унга ваколатли раҳбар тайинланади. Кўнгиллиларга шахсий ёрдам, назоратчи, раҳбарнинг бир нечта техник жиҳатдан ассистентлари хизмат қилади, ўша худуда профилактик ва тиббий ёрдам кўрсатилади.

Кўп мамлакатларда Тинчлик Корпуси икки томонлама битим асосида ишлайди. Битимнинг асосий пунктлари ҳуқуқий ҳолатга тегишли кўнгиллини, Америка Қўшма Штатлари ходимини, шунингдек, фаолият. кўрсатаётган мамлакат муносабатларини қамраб олади.

Қабул қилаётган мамлакатнинг расмий шахслар билан музокаралари, кутилаётган дастурлар, кўнгиллиларни тақсимлаш, уй-жой ва бошқа жиҳатлар билан таъминлашга оид масалалар Тинчлик Корпуси дастурининг бажарилишига ёрдам беради.

Ўзбекистондаги Тинчлик Корпуси 1992 йилнинг 4 ноябрида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Қўшма штатлар Тинчлик Корпуси давлатлараро шартномасига имзо чекдилар. Шу йили республикамиз ҳукумати Тинчлик Корпуси кўнгиллиларини олий ва ўрта ўқув-юртларида инглиз тилидан дарс беришга, шунингдек, кичик бизнесни ривожлантиришда ёрдам беришга таклиф қилди.

1992 йилнинг 20 декабрида Тошкентга бошланғич уч ойлик ўқиш учун 54 нафар кўнгилли хизматчилар келдилар. Бу давр мобайнида улар рус ва ўзбек тилларини, ўзбек маданияти, ўз соҳаси дастурини ўрганишди. Умумий таббий тайёргарлик бўйича машғулотларга қатнашишди. Тайергарликни муваффа- қиятли ўтагач, 1993 йил март ойида вилоятлардаги иш жойларига келдилар.

Тинчлик Корпусининг барча кўнгиллилари олий маълумотлилардир. Кўпчилиги бой иш тажрибасига эга, асосий мақсади — ўзбек халқига ёрдам кўрсатишдир. Кўнгиллиларга тааллуқли бўлган кўчиш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ўқитиш харажатларини ва моддий нафақаларини тўлади. Кўнгиллиларни қабул қилган ташкилот ва муассасалар ҳар бир хизматчини уй-жой, иш ва ижтимоий ва касбий қулайликлар билан таъминлайдилар. Ҳозр улар шу мамлакатдаги ҳамкасблари билан турли масалалар устида ишламоқдалар. Кўнгиллилар мазкур мамлакат пулида маош оладилар. Бу маош озиқ-овқат, транспорт ва бошқа зарур харажатларга сарфланади. Нафақа миқдори маҳаллий ҳамкасбларининг маошига тенг бўлади.

Тинчлик Корпуси Ўзбекистонда иккита дастурни амалга ошира бошлади. Булар кичик бизнес ва методик манбалар асосида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришдир. Кичик бизнесни ривожлантириш дастурининг асосий вазифаси эркин бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мамлакат кучларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу соҳа маслаҳатчилари маркетинг, бозор таҳлили, молиявий режалаштириш, бюджет, бухгалтерлик ҳисоби, банк ва ахборот тизимлари бўйича иш таржибаларига эгалар. Тузилган шартномага мувофиқ, маслаҳатчилар бепул хизмат кўрсатишади. Бу дастур иккита соҳада — хусусийлаштириш ва хотин қизларни бизнесда қатнашишга жалб этишдан иборат.

Методик манбалар асосида инглиз тилини ўқитиш дастурининг асосий мақсади эса қуйидагича:

Биринчидан, замонавий усул бўйича тайёргарликни ўтаган америкалик ўқитувчининг мактаб ўқитувчилари ва олий ўқув юрти талабаларига юқори савияда дарс беришига эришиш;

Иккинчидан, инглиз тили ўқитувчиларининг нутқ ва техник малакасини ошириш, педагогик материалларни пухта эгаллашда олий ва ўрта махсус таълим ҳамда халк таълими вазирликларига ёрдам бериш;

Учинчидан, кўнгилли инглиз тили ўқитувчилари ўз маҳаллий ҳамкасбларига касб бўйича ахборотлар алмаштириш бирлашмасини ташкил этишга қарор қилдилар.

Назорат саволлари:

1. Қиёсий педагогика фани тараққиётида ЮНЕСКО ташкилотининг фаолияти нималардан иборат?
2. ЮНИСЕФ ташкилотининг таълим соҳасидаги ваколатларини қандай изоҳлайсиз?
3. “Халқаро меҳнат ташкилоти”нинг кадрлар ва уларни иш билан таъминлаш масаласи доирасидаги вазифаларни қандай амалга оширади?
4. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги қандай имкониятларни яратиб беради?

Адабиётлар:

1. Ж.Ғ. Йўлдошев “Хорижда таълим” Т., 1995й.
2. Б.Ф. Вульфсон “Сравнительная педагогика” М., 2003 й.
3. Н.Х. Таканаев «Чет эллар педагогикаси тарихи”-Т, 1959 й.
4. М.А. Соколова ва бошқалар «Қиёсий педагогика”-Т, 1983 й.
5. “The word book enceclopedia”, 1994 й. 1-жилд.
6. “The word book enceclopedia”, 2-жилд.
7. “The word book enceclopedia”, 3-жилд.

Мавзу: Жаҳон мамлакатлари таълими тараққиётининг айрим масалалари.

Режа:

1. Таълимни ислоҳ қилишда ўқув дастурларининг аҳамияти.
2. Жаҳон мамлакатларида таълимни интеграциялаштириш ва касбга йўналтириш масалалари.
3. Таълимни дифференциялаштириш муаммолари ва махсус мактаблар фаолияти.

Таянч сўзлар:

интеграция;

диффиренция;

гегерон;

гомоген;

ярим гомоген;

Ватанимиз таълими кенг қамровли ислоҳотларни ҳамда қайта қуриш ишларини амалга оширишдек мураккаб жараённи бошидан кечирмоқда. Улардан кўзда тутилган мақсад- мактаб фаолиятини демократлаштириш, унинг инсонпарварлик тамойилларини ривожлантириш, шу асосда ўқув-тарбия ишлари мазмунини, унинг шакл ва услубини комплекс янгилаш ва янада такомиллаштиришдан иборатдир. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг муҳим шартларидан бири чет эл мактаби ва педагогикаси тажрибаларига муносабатни тубдан ўзгартиришдан иборат эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бу тажрибаларни синчковлик ва қунт билан ўрганиш орқали биз таълимда хато ва янглишишлардан, шубҳали хулосалардан ўзимизни сақлашимиздан ташқари, таълим-тарбияда қотиб қолган, эскирган, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган иш шаклли ва услубларидан тезроқ халос

бўлиш билан бирга, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга ҳам эга бўламиз.

Шуни эътироф этиш керакки, ривожланган мамлакатларда таълим соҳасида улкан ўзгаришлар содир булаётган бир даврда, бизда таълим мазмунини янгилаш, уни бошқариш, янги педагогик технологияни мактаб ҳаётига тадбиқ этишда ҳамон камчиликлар мавжуд.

Таълим-тарбияда самарали ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилаётган ҳозирги даврда эса илмий-техника тараққиёти, янги технологик революция шароитида муваффаққиятли фаолият кўрсата оладиган жамият аъзоларини етиштириб бериш, ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтиришда давлат хизматини ҳамда ўрта таълимнинг кўп вариантли учинчи босқичини жорий этиш, таълим мазмунини яхшилашда педагогик воситаларни кўллаш, таълимда ташаббус- корлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг муҳим тизимларини яратиш каби чет эл тажрибаларини ўрганиш айни муддаодир.

Ривожланган хорижий давлатларда таълимниг, мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги, эътироф қилинган ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам чет мамлакатларда мактаб эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб бормокда.

Японларда, масалан, «мактаб муваффақият ва фаровонлик тимсоли»гина бўлиб қолмай, «у инсонларни яхшилайди», деган фикр ишонч ва эътиқодга айланган.

Таълим тўғрисидаги ғамхурлик таниқли сиёсатчиларнинг ҳам ҳамиша диққат-эътиборида бўлган. Шунинг учун ҳам АҚШнинг собиқ Президенти Р. Рейганни, Буюк Британия Бош вазири М. Теччерни, Франция Президенти Ф. Миттеранларни мактаб ислоҳотининг ташаббускорлари деб, бежиз айтишмайди. Ф. Миттеран мактабни «Жамиятни ҳаракатлантирувчи куч» деб ҳисоблаган.

Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган кўп сонли илмий муассасалар ишлаб турибди. Германияда

уларнинг сони 2 мингдан ортиқ. Франция, АҚШ, Японияда таълим-тарбия назарияси муаммолари билан юзлаб давлат ва хусусий ташкилотлар, университетлар, педагогик тадқиқот марказлари шуғулланмоқдалар. Улар фаолиятини эса ҳалқаро таълим марказлари, масалан, АҚШда ҳалқаро таълим институти мувофиқлаштириб бормоқда Кўпчилигининг фаолияти ўқув дастурини такомиллаштириш ва қайта кўришга қаратилган.

Мактаб дастурларини ўзгартириш икки асосий йўналишда: экстенсив ва интенсив йўл билан амалга оширилади. Биринчи ҳолатда ўқув муддати узайтирилади, ўқув материаллари ҳажми кўпайтирилади; иккинчи ҳолда эса мутлақо янги дастур яратилади. Бу ўринда иккинчи йўл, кўпчилик мутахассисларнинг эътирофича, мақбул ҳисобланади.

1961 йилда «Бош янги базис» тамойиллари асосида АҚШ ўрта мактабларини ислоҳ қилиш бошланган эди. Бунинг моҳияти шундаки, инглиз тили ва адабиёти (тўрт йил), математика (тўрт йил), табиий билимлар (уч йил), ижтимоий фанлар (уч йил), компьютер техникаси (ярим йил)кабилардан иборат беш йўналишдаги мажбурий таълим жорий қилинди.

Ҳар бир йўналиш ўз навбатида бир неча қисмга бўлинади. Масалан, математика, алгебра, тригонометрия, иш юритиш, компьютер техникасини қўллашдан иборат. Барча мажбурий предметлар таркибига янги курслар киритилди. 1985 йилдан эътиборан барча юқори босқич коллежларининг 90 фоизи шу беш базисли тамойиллар асосидаги дастурлар билан иш олиб бормоқдалар. Натижа: мажбурий тайёргарлик бўйича таълим ҳажми қисқарди, шу билан бир қаторда дастур чуқурлаштирилиб ўрганиладиган курслар ҳисобига тиғизлашди.

80-йилларда мажбурий таълим ҳажмини қисқартириш жараёни янада чуқурлаштирилди. Ҳатто айрим коллежларда бу соҳада уч янги: инглиз тили ва адабиёти, математика, ижтимоий билимлар базислари асосида иш олиб борилмоқда. Таълимнинг бошқа турлари эса ихтисослаштириш давригача амалга ошириладиган бўлди.

Америкадаги кўзга кўринган «Фоунд Карнеги» педагогик маркази бу дастурни XXI аср дастури деб баҳоламоқда. Ўқув дастурларини қайта қуриш жараёни Ғарбий Европа давлатларида ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, Буюк Британияда таълим вазирлигининг тавсияларига мувофиқ ўқув режаси ва дастурини таълим муассасаларининг ўзлари белгилайдилар.

Мазкур тавсияларга мувофиқ 50 фоиз ўқув соатлари ўқитилиши шарт бўлган «ядро» предметлар: инглиз тили ва адабиёти, математика, дин дарси, жисмоний тарбияга ажратилади. Ўқув соатларининг бошқа қисми эса ўқитилиши шарт ҳисобланиб, танлаб олинган предметларга (гуманитар, табиий, математик мазмундаги) ажратилади.

80-йиллардан бошлаб Буюк Британияда ҳам АҚШдаги сингари ўрганилиши мажбурий бўлган фанлар доираси кенгайтирилди. Инглиз тили ва адабиёти, математика ва табиий фанлар ўқув сеткасининг ядросини ташкил этадиган бўлди. Қолган предметларни танлаб олиш ўқувчилар ва ота-оналар ихтиёридадир.

«Янги дунё» нинг педагогик ғоялари Франция ва Германия таълимига ҳам сезиларли таъсир этаётир.

Германия тўлиқсиз ўрта мактабларида асосий предметлар билан бир қаторда танлаб олинадиган химия, физика, чет тиллари киритилган ўқув дастурлари ҳам амалга оширилаётир. Бу ўқув дастури тобора тўлиқсиз ўрта мактаб доирасидан чиқиб, ўрта мактаблар ва гимназияларни ҳам қамраб олмоқда.

Франция бошланғич мактабларида таълим мазмуни она тили ва адабиёти ҳамда математикадан иборат асосий, тарих, география, аҳолишунослик, табиий фанлар, меҳнат таълими, жисмоний ва эстетик тарбия каби ёрдамчи предметларга бўлинади.

Япония мактаблари иккинчи жаҳон урушидан кейиноқ Америка таълими йўлидан борди. Лекин шунга қарамай, бу икки мамлакат ўқув дастурида бир қатор фарқлар кўзга ташланади. Японияда ўқув дастурлари жиддий мураккаблаштирилган, асосий фанлар мажмуи анча кенг, бир қатор янги

махсус ва факультатив курслар киритилган. Масалан, умумий таълим мактабларининг янги мусиқа таълими ўқув дастурига миллий ва жаҳон мумтоз мусиқасини ўрганиш ҳам киритилган.

Япон халқида «Ҳамма нарса унитилганда ҳам таълим эсда қолади» деган ҳикматли гап бор. Афтидан, ривожланган давлатларда ўқув дастурининг ривожланиши мана шу йўналиш асосида қурилмоқда.

Асосий ўқув дастурларига маълум чекланишларни киритиш, алоҳида предметларни ўрганишни кучайтириб, уларни чуқур ўзлаштиради ва ўқувчиларни ортиқча «юкдан халос қилади. Бу масалани ижобий ҳал этишда ўқув курслари интеграциясини амалга ошириш ёрдам беради.

Бунга ёрқин бир мисол: 60-80-йилларда табиий илмий таълим дастури таркибига физика, химия, биология, баъзи ҳолларда астрономия, геология, минералогия, физиология, экология элементлари киритилиб, у АҚШ ва Францияда 4 йил, Буюк Британияда 6 йил, Германияда 2 йил ўқитилди. Ўқув предметларини интеграциялаш жараёнида янги-янги курслар пайдо бўла бошлади. Францияда 70-80-йилларда тўлиқсиз ўрта мактаблар ўқув дастуридаги табиий-илмий ва гуманитар циклга эксперименталь, иқтисодий, иқтисодий гу манитар курслар киритилди.

Ҳозирги пайтларда ривожланган мамлакатлар ўқув дастурига интеграциялаштирилган курсларни киритиш тўла амалга оширилди. Франция мактабларида уларга 6-10 фоиз, Буюк Британия мактабларида 15 фоиз ўқув соатлари ажратилди.

Интеграциялаштирилган ўқув дастурларининг муаллифлари барча ёндош ўқув курсларини ўзак предмет ва ғоя, атрофига жипслаштиришга ҳаракат қилишади, бу ўқувчиларга ижодий тафаккур юргизишга ёрдам беради. Лекин , шуниси борки, бундай услуб ҳамма вақт ҳам кўзланган, натижани бермайди. Чунки, интеграциялаштирилган ўқув курслари мутлоқ кўпчилик ўқувчиларга мўлжалланган бўлади. Кимгадир у зарур, кимгадир кераксиз.

Бу муаммони тўлдириш, ўқувчиларнинг у ёки бу курсга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун мактаблар алоҳида предметлардан чуқурлаштирилган курсларни тавсия этмоқдалар. Масалан, Ғарбий Европа мактабларида 15 фоиз ўқувчилар физика фанини чуқурлаштириб ўрганаётирлар.

Кейинги уч йил ичида АҚШда илмий билимларни чуқурлаштириб ўргатишни таъминлаш мақсадида интеграциялаштирилган курсларнинг турли вариантлари ишлаб чиқилмоқда.

Чет эл тажрибалари шуни кўрсатадики, таълим мазмунини қайта қуриш ишида шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Фикримизча, бу соҳада самаралироқ йўл интеграция ва ихтисослаштиришга асосланган ўқув дастурларини яратишдир.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда меҳнат таълими ҳамда касбга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг энг эътиборга лойиқлари, шу таълим бўйича ўқув дастурларини кенгайтириш, профессионализмга юз тутиш, кучли моддий базани барпо этиш йўлидир. Ҳар ҳолда 1977 йилда АҚШда қабул қилинган «Меҳнат фаолиятига тайёрлаш акти»нинг асосий ғояси ҳам шунга қаратилган. Умуман АҚШда бу масалага муносабат жиддий. Коллежларда котеджлар қуриш, автомобилларни таъмирлаш, компьютерларни териш каби амалий фаолият, мавжудки, улар ўқув муассасаларига маълум миқдорда даромад ҳам келтирмоқда.

Ғарпий Европада ҳам бу соҳада ўзига хос янги йўналишлар пайдо бўлди. Масалан, Францияда меҳнат таълимига ажратилган ўқув соатлари 1,5 баробар оширилди. Буюк Британияда «Меҳнат таълими ва касбга тайёрлаш» актига (1973 йил) мувофиқ мактаблар бир қанча соҳалар бўйича мажбурий касб-кор дастурини ўзлаштирмоқдалар.

Меҳнат таълимида стажировка асосий ўринда туради. Стажировка дастури ва уни амалга ошириладиган корхонани танлашда ота-оналар билан келишиб олинади. Стажировкаларни ташкил қилиш ва амалга оширишга кетадиган сарф-ҳаражатларнинг катта қисмини саноатчилар ва финансистлар

тўлайдилар. Масалан, Германияда меҳнат таълими стажировкасини амалга оширишга 450 минг компания ва корхоналар ёрдам берадилар. Улар ичида кичик устахоналардан тортиб «Мерседес Бенц» каби улкан корхоналар ҳам бор.

Меҳнат таълими билан бир қаторда касбга йўналтириш ишлари ҳам замон талабларига ҳамоҳанг такомиллашмоқда.

Касбга йўналтириш дарслари барча ривожланган давлатларда мавжуд. Бундай дарсларда меҳнат оламидаги ўзгаришлар ва тенденциялар, касб-кор сохиби бўлиш имкониятлари ҳам ўргатилади. Бундай дарсларни фан ўқитувчилари ҳамда махсус касбга йўналтириш ишлари бўйича маслахатчилар олиб борадилар. Булардан ташқари касбга йўналтириш консультация пунктлари ҳам мавжуд бўлиб, улар юқори синф ўқувчилари ва ота-оналарга шу соха бўйича консультациялар ташкил этадилар. Бундай консультация пунктлари мактаблар таркибига кирмайди. Улар хусусий, ёки меҳнат биржалари тасарруфида бўлади.

Касбга йўналтириш ишларини ташкил этишда корхоналар амалга ошираётган ишлар ҳам эътиборга моликдир.

Уларнинг штатли консультантлари мактабларда касбга йўналтириш бўйича кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб борадилар.

Мактабларда амалга оширилаётган ислоҳотлар таълим ишини табақалаштириш муаммоларини келтириб чиқарди.

Лекин бу масала атрофида хали қарама қарши фикрлар кўп. Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг 1983 йилда эътироф этишича, таълимда ижтимоий тенгсизлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Бунга пул тўлаб ўқиш, синфда ёки курсда ўқув курсини ўзлаштира олмай иккинчи йилга қолиб кетиш, имтиҳонларни ўта талабчанлик асосида ўтказиш сабаб бўлмоқда.

Масалан, Франция бошланғич мактаблари ўқувчиларининг тенг ярми, лицейлар ўқувчиларининг 60 фоизи фанларни ўзлаштира олмай такрорий ўқув йилига қолиб кетмоқда.

Иккинчи йили ўқишга кўп сонли имтиҳонлар ҳам сабаб бўлмоқда. Бу мамлакатнинг бошланғич ва ўрта мактабларида болалар 650 та имтиҳон ва зачётлар топширадилар.

Имтиҳонлардан йиқилиш ўқувчиларнинг асаб ва руҳий холатига қаттиқ таъсир ўтказадиган вазиятлар, хатто фожиали воқеалар рўй бериш ҳоллари учрайди. Бундай вазият шубхасиз, фақат ота-оналар ичидагина эмас, ўқитувчилар орасида ҳам кескин норозиликларга сабаб бўлмоқда.

Бундай шароитда таълимни табақалаштириш энг долзарб масалага айланган.

Уларнинг «таълимни табақалаштириш — келажак стратегиясидир» шиори биз учун ҳам мақбул деган фикрдамиз.

Одатда ўқувчиларни табақалаштириш чет давлатлар амалиётида бошланғич таълим курсидан кейин амалга оширилади.

Француз педагоглари эса синф ўқувчиларини уч табақага ажратадилар:

1. Гомогенлар — математика ва гуманитар йўналишда иш олиб борса бўладиган ўқувчилар;

2. Ярим гомоген — табиий циклдаги фанларни ўзлаштира олишга мойил ўқувчилар;

3. Гегерон — барча предметлардан ҳар хил савияда ўзлаштириладиган ўқувчилар ва ҳоказо.

Табақалаштириш жараёнининг янги муҳим йўналиши тўлдирувчи таълимни ривожлантириш бўлиб қолмоқда.

Тўлдирувчи мактаблар пайдо бўлишининг сабаби, АҚШ ва Ғарбий Европада ўзлаштирмовчи ҳамда улгурмовчи ўқувчиларнинг кўпайиб бораётганлиги, таълим сифатининг тобора тушиб бораётганлигидадир.

1983 йилдаги АҚШ давлат далолатномаларидан бири тўғридан-тўғри «мамлакат хавф остида» деб номланган. Унда ўқувчилар ўзлаштиришидаги «ўртамиёначилик» 70-80 фоизни ташкил этаётганлиги, функционал саводсизлик авж олаётганлиги баён этилган.

80-йилларда АҚШ ўқувчиларининг 50-йилларга нисбатан рейтинг кўрсаткичи 973 дан 893 га тушди. Францияда ҳар уч лицейчидан бири муваффақиятсизликка учраётир.

Таълимда рўй бераётган бу салбий ҳолатни бартараф этиш тўлдирувчи таълим зиммасига тушади.

Тўлдирувчи таълим мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб ва лицейларда амалга оширилмоқда. АҚШда бу хизматга оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари ҳам сафарбар этилган, миллий телекомпания махсус ўқув канали орқали 130 соатлик ўқув кўрсатувлари ташкил этди.

Ўқув жараёнларини табақалаштириб олиб бориш бўйича чет мамлакатларнинг кўпчилигида тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Ривожланган давлатларда иқтидорли болаларга эътибор тобора ортиб бормоқда. Кейинги даврларда ўз тенгдошларига нисбатан қобилиятда бир неча баробар илгарилаб кетган болалар кўплаб топилмоқда. Улар ўқувни жуда эрта бошлаб таълим курсларини ўзлаштиришда катта шов-шувларга сабаб бўладиган даражада муваффақиятларга эришадилар.

Шундай иқтидорлар мактаби Ғарбда 60-йилларда пайдо бўлган эди. Бундай мактабларнинг ўқув дастурлари болалар қобилият ва имкониятини тўла рўёбга чиқаришни таъминлаб бериш даражасида мураккаб тузилган.

Қобилиятли болалар билан ишлаш дастурлари АҚШда кенг кулоч ёйган. Айрим шаҳарларда олий тоифали болалар боғчалари очилган бўлиб, уларда 4-5 ёшли ўқувчилар мактаб дастурида ўқитиладилар. Талантларни излаб топиш давом этмокда. АҚШда «Мерит» дастури асосида ҳар йили юқори синфлар ва коллежлардан энг қобилиятли болалардан 600 мингтаси танлаб олинади. Улар ўртасида тест синовлари ўтказилиб энг қобилиятли 35 минг ўқувчи танлаб олинади ва ўқитилади. Уларга турли имтиёзлар стипендиялар, яхши шарт-шароитга эга бўлган тураржой, энг олий даражадаги университетларга қабул ва бошқалар амалга оширилади.

Лекин иқтидорли болаларга қарама-қарши қутбда турган ақли заиф ўқувчиларнинг тақдири ҳам чет эллик ҳамкасбларни тобора

ташвишлантирмоқда, бундай ҳолни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, олдини олиш бўйича кўпгина профилактик ишлар олиб борилмоқда ва улар учун махсус мактаблар очилмоқда. Лекин статистик маълумотлар бундай болалар сони тобора ошиб бораётганлигини кўрсатаётир.

Масалан, 1968 йилдан 1979 йилгача Франциядаги ақлий ва жисмоний нуқсони бор болалар учун очилган мактаблар сони 16 марта ўсди. Бу муаммоларни ҳал этиш бўйича барча илғор мамлакатларда изчил изланишлар жараёни кетмоқда.

70-йилларда АҚШда келажак мактаби умуммиллий лойихасини амалга оширишга киришилди. Бу эксперимент мазмунини ўқитувчи буйруғи билан иш тутиш, кўпроқ ўқувчиларга мустақил ишлаш имкониятини беришдан иборат. Таълим таркиби синфда ишлаш, мустақил машғулот, ўқитувчи консультациясини ўз ичига олади.

Германия мактабларида синфда ўқувчилар сонини қисқартириш сари йўл тутилган. Бундай ўқувчиларнинг ҳар бирига индивидуал пакетлар (топшириқлар) тарқатилади. Топшириқларни ўқувчи мустақил бажаради, лозим бўлганда у ўқитувчидан консультация олади.

Юқорида баён қилинганлардан кўзда тутилган мақсадлар:

— мактабларнинг инсонпарварлик, умуминсонийлик йўналишларини кучайтириш;

— ўқувчи шахсини шакллантиришнинг энг самарали йўлларини қидириб топиш;

— тарбиянинг янги формаларида — ўқувчилар кенгаши, мактаб кенгашларидан, тарбиявий ўйинлардан фойдаланиш;

— мактаб ўқув дастурларини ихтисослаштириш, фанларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш;

— мактабни меҳнат, инсоний фаолият билан яқинлаштириш касбга йўналтириш ишларини қайта ташкил этиш;

— табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйиш, махсус ўқув муассасаларини (ҳам талантлар, ҳам ақлий, жисмоний заиф ўқувчилар учун) ривожлантириш;

— янги-янги ўқув техник воситаларини таълимдаги салмоғини ошириш, ўқитувчилар корпусида компьютер таълимини йўлга қўйиш;

— синф-дарс тизимларини замонавийлаштириш, ўқувчилар мустақил ишлашларини йўлга қўйиш;

— педагогик ғояларини амалга оширишда кенг қамровли эксперимент-тадқиқотларни амалга оширишдан иборатдир.

Чет эл таълимидаги бундай ибратли жиҳатларни Ватанимиз таълим тизимларида қўллаш ёш, мустақил Республикамизда ўқув-тарбия ишларини ислоҳ қилиш жараёнини тезлаштиради.

Назорат саволлари:

1. Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотлар қандай амалга оширилмоқда?
2. АҚШда “Бош янги базис” тамойили таълим тизимининг қайси босқичига тегишли эди ва бунда қандай вазифалар бажарилди?
3. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожланган мамалакатлар таълим тизимида қандай ўзгаришлар юз берди?
4. Жаҳон мамлакатларида таълимни интеграциялаштириш ва касбга йўналтириш масалаларининг аҳамиятини изоҳлаб беринг.
5. Таълимни дифференциялаштириш муаммолари ривожланган мамлакатларда қандай амалга оширилди?

Адабиётлар:

1. Б.Ф. Вульфсон “Сравнительная педагогика” М., 2003 й.
2. Н.Х. Таканаев «Чет эллар педагогикаси тарихи”-Т, 1959 й.
3. М.А. Соколова ва бошқалар «Қиёсий педагогика”-Т, 1983 й.
4. А.А. Холиқов “Франция педагогик фикр тараққиёти”-Т, 1998 й.
5. “The word book enceclopedia”, 1994 й. 1-жилд.

Мавзу: Осиё мамлакатларида таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.

1. Япония таълим тизими ва унинг таркиби.
2. Бошланғич, ўрта таълим жараёнини ташкил қилиш мазмуни.
3. Ўрта махсус ва ҳунар-техника таълими.

Иқтисодий қудрати жиҳатидан Япония жаҳонда Америка Қўшма Штатларидан кейин иккинчи ўринда туради. Жаҳоннинг кўзга кўринган рухшунослари ва иқтисодчилари Япония ривожланишидаги бу улкан парвозни мамлакатда таълим тизимлари тараққиётига берилган юқори даражадаги эътибор самараси, дея қайд этадилар. Бу бежиз эмас. Кун чиқиш мамлакати деб юритиладиган бу ўлкада таълим тизимларини босқичма-босқич такомиллаштириб борилишига ҳукумат, хусусий компаниялар, жамоат ташкилотлари, ота-оналар қанчалик омилкорлик билан ёндашаётганликларини ҳисобга олсак, жаҳон илмий тадқиқотчиларининг юқоридаги хулосалари асосли эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Табиийки, Япония таълим тизимларининг юксак парвози ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Унинг ҳам ўзига хос инқирози ва муаммолари бўлган. Буларни тўлиқроқ тасаввур қилиш учун мамлакат педагогик тамойиллари ва тараққиётининг тарихий босқичларига назар ташлаш мақсадга мувофиқ.

Япон таълимининг мумтоз шаклланиши 1867 — 1868 йиллардаги мамлакат ҳукмдори Мейдзи томонидан амалга оширилган ислоҳотларга бориб тақалади. Бу ҳукмдорнинг ўз олдига қўйган икки қатъий шиори бўлиб, бири «Фукоку- киохси” — бойиш, мамлакатни мустаҳкамлаш ва ҳарбийлаштириш, иккинчиси эса «Сиокусан когио” — илғор Ғарб ишлаб чиқариш технологияси асосида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш эди. Мейдзи бу икки мақсадни амалга оширишнинг бош омили таълим тизимларини тубдан ўзгартириш ва янгилашда деб ҳисобларди.

Давлат бошлиғининг бу хулосалари Японияда 1872 йилда «Таълим ҳақида Қонун» қабул қилинишига олиб келди. Қонунга мувофиқ тез орада

эски услубдаги таълим тизими ўрнида мамлакат ривожланишини таъминлашга самарали хизмат қилувчи янги йўналишдаги 53750 та бошланғич 256 та ўрта мактаб, 8 та дорилфунун ташкил этилди. Бу ўқув юртларидаги таълим шакллари маърифатли Ғарб таълим услублари билан уйғунлаштирилди, 1890 йилга келиб илгариги 3.4 йиллик бошланғич мактаблар мунтазам 4 йилликка айлантирилди ва у бепул амалга оширила бошланди.

1908 йилдан бошлаб Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. Ўқув-тарбия ишлари бепул амалга ошириладиган бўлди. 1893 йилдан эътиборан Японияда касб йўналишидаги дастлабки коллежлар пайдо бўла бошлади.

Биринчи дорилфунун 1886 йилда Токиода ташкил этилди. Лекин бу дорилфунунга олий табақали аслзодаларнинг болалари қабул қилинарди. Аср бошида мамлакатда аёллар учун ҳам дорилфунунлар ташкил этилди. Лекин бу билим масканларида хотин-кизлар учун фақат хўжалик юритиш, оила иқтисодиётидангина таълим бериларди.

1897 йилда Киатода иккинчи дорилфунун очилди. Иккинчи жаҳон урушида Япония мағлубиятга учрагандан кейин мамлакат маорифи тизимларига Америка Қўшма Штатлари таълим тамойиллари кириб кела бошлади.

1946 йилда қабул қилинган Конституция Япония фуқароларининг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда «Лаёқатига кўра барча фуқаролар билим олиш ҳуқуқига эга. Барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт» эканлиги белгилаб қўйилган.

1947 йилда қабул қилинган «Таълим ҳақида Қонун» Япония Конституцияси руҳига уйғун бўлиб, мамлакатда таълимнинг мақсад ва вазифаларини тўла ифода этади. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Биз шахсий ғурури бор, ўзининг қобилияти ва имкониятига ишонувчи, ҳақиқат ва тинчликни севувчи одамларни тарбиялаймиз, токи улар кўп қиррали маданият соҳиби бўлсинлар». Шундай қилиб, Японияниинг Таълим, фан ва

маданият вазирлиги бошқаруви ҳозирги пайтда қатъий марказлашди, илғор халқаро стандартлар даражасидаги япон таълим тизимлари қарор топди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИ

Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркиби қуйидагича:

-болалар боғчалари;

-бошланғич мактаб;

-кичик ўрта мактаб;

-юқори ўрга мактаб;

-олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртлари. Бу таълим босқичларининг ўзига хос жиҳатларини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Болалар боғчалари. Таьлимнинг бу босқичига 3-5 ёшли болалар қабул қилинади. Болалар ёш хусусиятларига мувофиқ равишда 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинадилар. Японияда мактабгача таълим муассасаларининг 59,9 фоизи хусусийдир. 40,8 фоизи эса муниципиал (туман) кенгашлари тасарруфида, қолган 0,3 фоизи давлатникидир.

Мажбурий таълим. Таълимнинг бу поғонасига 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жалб қилиниб, улар шу муддат ичида 6 йиллик бошланғич мактаб ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб курсини ўтайдилар. 9 йиллик бу таълим мажбурий бўлиб, барча болалар бепул ўқитиладилар ва текин дарсликлардан фойдаланадилар.

Муҳтож оилаларнинг болалари маҳаллий ва миллий бошқарув ташкилотлари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига бепул нонушта қилиш, ўқув қуроллари олиш, тиббий хизматдан бепул баҳраманд бўлиш имтиёзларига эгадирлар. Бундан ташқари, уларга бепул саёҳатлар ва бошқа кўнгилочар тадбирлар уюштирилади. Зарур бўлиб қолган тақдирда муҳтож ўқувчилар учун моддий ёрдам кўрсатилади. Бу босқичдаги мактабларга қабул учун махсус қонун ёки чеклашлар йўқ. Фақат жисмонан, руҳан носоғлом болалар унга қабул қилинмайдилар.

Ота-оналар ўз болаларини хусусий мактабларга бериш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Лекин хусусий мактабларнинг ўзига хос шарт-шароитлари ва талаблари мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактаби. Японияда бундай босқич мактабларининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлари мавжуд. Кундузги юқори босқич мактабларида ўқиш муддати 3 йил. Ўқувчиларнинг 95 фоизи кундузги мактабларда таълим оладилар. Бу турдаги мактабларда ўқиш ихтиёрийдир. Унда қуйи ўрта мактабларни битирган, юқори босқич ўрта мактабларига кириш синовларидан муваффақиятли ўтган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи ёшлар қабул қилинадилар. Унда умумий таълим (академик) фанлари, техник билимлар, тижорат, маҳаллий саноат, цқшлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, кемасозлик ва бошқа соҳаларга оид билимлар ўргатилади. Бундай турдаги ўрта мактабларда умумий ва хусусий тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда 98 фоиз ёш билим олади.

Дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар Японияда олий таълим тизимини ташкил этади.

Бу мамлакатда бошланғич, ўрта ва олий ўқув юртларидан ташқари, бир-биридан фарқ қилувчи «Ихтисос мактаблари» ва «турли» мактаблар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги хусусий бўлиб, турли фирма, концерн ва синдикатлар учун қисқа вақтли курсларда бичувчи, тикувчи, тўқувчи, ошпаз, ҳисобчи, машинкада ёзувчи, автотехник, электрон ҳисоблаш машинкалари учун дастур тузувчи ва бошқа зарурий касблар ўргатилади. Мактабларнинг айримлари чет тилларини ўргатиш бўйича ихтисослаштирилган.

1976 йилдан-эътиборан вазирликнинг аниқ талабларини бажараётган «турли мактаблар» ихтисослаштирилган мактабларга айлантирилди.

БОШЛАНҒИЧ, ЎРТА ТАЪЛИМ — ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Бошқа жойлардагидан фарқли ўлароқ, Япония мактабларида ўқиш 1-апрелдан бошланиб, келаси йилнинг 31 мартида ниҳоясига етади.

Бошланғич ва кичик ўрта мактабларда ўқув йили уч семестрга бўлинади: апрель-июль, сентябрь декабрь, январь- март. Катта ўрта мактабларда эса ўқув йили 2 ёки 3 семестрга бўлинади.

Таътиллар ёзда, қишда (янги йилдан олдин ва кейин) ва баҳорда бўлади. Ёзги таътилларнинг бошланиши ва тугаши муниципалитетлардаги вазият, яъни юзага келган ҳолатларга ва ўқув юртлари хусусиятларига қараб белгиланади.

Кўпчилик бошланғич ва кичик ўрта мактабларда таътиллар июнь ойи охирида бошланиб, август ойларида тугайди. Қишлоқларда эса қишлоқ хўжалик ишларини бажаришдаги долзарб ҳолатлардан келиб чиқиб, баҳор ва кузги таътиллар ёзги таътиллар ҳисобидан узайтирилади.

Ўқув йили Японияда 240 кун ёки Америка Қўшма Штатларидан 60 кун кўпдир. Дарслар 7 соат. Кўпчилик мактабларда дарслар эрталаб соат саккиз яримда бошланиб, учдан кейин тугайди.

Ўқувчилар ҳафтасига 2-3 соат синфдан ташқари клуб ишларида, 7 соат ихтисос бўйича машғулотларда ёки репititорлар ихтиёрида бўладилар.

Юқори босқич ўрта мактабларида бутун ўқув жараёнида ўқувчилар 80 та синов топширишади. Ўқувчилар мажбурий асосий фанлардан ташқари ўз хоҳишларига кўра инглиз тили, техник таълим ва махсус фанлардан синовларга жалб этиладилар.

Япон мактаблари электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа ўқув техника воситалари билан тўла таъминланганлигига қарамай, мутахассисларнинг фикрича, асосий эътибор ўқитувчи фаолияти ва дарсликка қаратилмоғи керак. Уларнинг фикрича, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги жонли мулоқот ўрнини ҳар қанча, такомиллашган машина ҳам боса олмайди.

Деярли барча дарсликлар хусусий босмахоналарда чоп этилади. Уларни чоп этишга маблағни вазирлик ажратади. Юқорида қайд этилганидек, дарсликлар бошланғич ва қуйи ўрта мактабларда бепул, юқори ўрта мактабларда эса пуллидир. Дарсликлар нархи шундайки, уларни харид

қилишга ҳамманинг имконияти бор. Фойдаланилган дарсликлар пуллик бўлса ҳам, текин бўлса ҳам ўқувчининг ўзида қолдирилади.

Японияда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш сифатига жуда катта талаблар қўйилади. Бу талаблар шундайки, мазкур касбга иқтидорсиз ва йўналиши тўғри келмайдиган тасодифий кишиларнинг кириб қолиши амалда мумкин эмас.

Ўқитувчилар 4 йиллик дорилфунунларда ва 2 йиллик коллежларда тайёрланади. Бу ўқув юртларининг битирувчиларига биринчи ва иккинчи даражали гувоҳномалар берилади.

Мактаб директори бўлиш учун 1-даражали гувоҳномага эга бўлиш шарт.

Япон ўқитувчиларининг жамиятда тутган обрў-эътибори катта. Бинобарин, уларнинг маошлари ҳам юқори, 74 фоиз ўқитувчи жамоа ва касаба ассоциациясига аъзо. Бу уларга таълим мазмунини ва услубини муҳокама қила олиш имкониятини беради. Ўқитувчиларнинг илк маоши дорилфунунни тугаллаган мутахассислар маоши билан тенг.

Улар ўз касб маҳоратларини такомиллаштириш устида, тинимсиз изланишлар олиб борадилар, ишга тушишдан олдин 7-10 кун кундузги тайёрлов курсларидан ўтадилар. Япон ўқитувчилари ҳар 5 йилда малака ошириш курсларида ўқиб қайтадилар. Малака ошириш ўқитувчиларнинг ўзлари учун катта эҳтиёждир. Чунки Япония мактаблари дастури 10 йилда давр тақозосига кўра ўзгаради. Дастурлардаги йиллик ўзгаришлар эса анжуманлар ўтказиш йўли билан ўқитувчиларга етказиб борилади.

Ўқитувчилар ўзларига ишониб топширилган 35-40 ўқувчининг билими ва тарбияси учун жавобгардирлар. Шу боис улар дарсдан бўш вақтларини ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан суҳбатларга, хонадонларга ташриф ишларига бағишлайдилар.

Японияда оилавий бюджетнинг катта қисми болаларнинг сара мактабларда пухта билим олишларини таъминлашга, университетларга кириб билим олишларига сарфланади. Оилада бола яхши билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Имтиҳон пайтларида эса болалар уй

юмуш- ларидан озод этиладилар. Ота-оналар мактаб ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этадилар, ўз фарзандларига барча соҳада ўрнак-намунадирлар. Улар болалари ўқишида ёрдам бериш учун жуда кўп ўқийдилар, мактаб ўқув дастурини мукаммал ўрганиб оладилар.

Болалар тарбиясида оналарнинг роли ва масъулияти айниқса каттадир. Улар фарзандларининг оқил, доно, мулойим, одил ва меҳнатсевар бўлиб ўсишлари учун оила сулоласи ва давлат олдида ўзларини масъул деб ҳисоблайди"лар. Японияда оилавий тарбия хусусида кўплаб методик қўлланмалар ва тавсияномалар нашр этилади, радио ва телевидение орқали кўплаб педагогик маслаҳатлар бериб борилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ота-оналар ойига ўртача 2-3 китоб сотиб олишади. Шу ёшдаги болалар учун ойига 40 та журнал нашр этилади, ота-оналарнинг мутлоқ кўпчилиги бу журналларига обуна бўлишади. Бола мактабга боргунга қадар ўқишни, ёзишни, оддий ҳисоблаш кўникмаларини эгаллаши зарур.

Япония оилаларидаги уй парталари диққатга сазовордир. У мукаммал, ён томонидан муҳофазаланган қурилма бўлиб парта устида китоб жавони, ёритқич, соат, қалам қоғоз микрокалькулятор ва бошқа зарурий ашёлар, шунингдек, керак бўлиб қолган тақдирда ота-онасини чақирадиган сигнал тугмачаларигача ўрнатилган.

Турли таьлимий кўникмаларни болалар онгига сингдириш япон мактабларига хос фазилатдир. Масалан, 2синф ўқувчиси кўпчилик олдида нутқ сўзлаш қобилиятига эга бўлиши, 6-синф ўқувчиси камида 2 та чолғу асбобида куй чала билиши, бошланғич синф ўқувчиси сувда бемалол суза олиши керак. Мана шулардан япон муаллими ўз касбига қўшимча равишда яна нималарни ўрганиши лозимлигини билиш қийин эмас. Ўқитувчи қўшиқ айтиши, чолғу асбобларида куй чала олиши, нотиқлик санъатини билиши, яхши спортчи бўлиши керак...

Японияликлар тўғри ва ҳалол турмуш тарзини қадрлайдилар. 1-синфдан то 9-синфгача аҳлоқ тарбияси мактаб фаолиятининг зарурий шартидир. Ўқитувчи ўз ўқувчилари билан доимо бирга бўлади.

Япон болалари ташкилотчилик ишларига ҳам махсус ўргатиладилар. Болаларнинг ўзлари экскурсиялар уюштирадилар, мажлислар тайёрлайдилар ва ўтказадилар. Болалар хулқ-атворидаги барқарорлик Японияда бебаҳо бойлик ҳисобланади. Болаларнинг ўзлари ўқиш на ўзлаштиришни, ўз-ўзини тарбиялашни муҳокама қиладилар.

Аҳлоқ нормалари аниқ ишлаб чиқилиб, уни руёбга чиқариш учун дарсларнинг маълум бир қисми ажратилади. Аҳлоқий жиҳатдан айбдор бола учун энг олий жазо ўқитувчининг ўқувчидан ихлоси қайтиши бўлиб, бу ихлосни қайтадан барпо қилиш учун ўқувчи ва унинг ота-онаси анча-мунча ишлаши керак.

Япон ўқитувчиси ўқувчининг энг яқин маслакдоши, маслаҳатгўйи, мураббийсидир.Ўқитувчи ўз ўқувчиси билан хатто таътил пайтларида ҳам алоқасини узмайди. Таълим тизимини синчиклаб ўрганган киши АҚШ, Франция, Германия таълим тизимларидаги барча яхши ва ибратли жиҳатларни японлар ижодий ўзлаштирганликларига гувоҳ бўлади. Шунинг учун бўлса керак, Япония ўрта мактабларининг савияси АҚШ ўрта мактаблари савиясидан бирмунча юқори туради.

ЎРТА МАХСУС ВА ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ

Ўрта махсус ва ҳунар-техника таълими тизимига кирувчи билим масканлари Японияда гарчи олий таълим тизимига - киритилсада, у биздаги ҳунар-техника билим юртларига тўғри келади. Улар асосан кичик коллеж, техник коллеж, махсус тайёргарлик коллежларига бўлинади.

Кичик коллежлар ҳам мақомига кўра ўзига хос дорилфунундир. Уларда касбга йўналтириш жараёни жуда чуқур ва пухта. Ўқиш муддати 2-3 йил, битиргач, «бакалавр» номи берилмайди.

1984 йилда Японияда 336 та шундай кичик мактаб бўлиб, уларнинг 37 таси давлат тасарруфида, 51 таси муниципал, 448 таси хусусий коллежлардир.

Техник коллежларда 5 йил ўқитилади, унга кичик ўрта мактабни битирганлар қабул қилинадилар. Бундай коллежлар ёшларга ўрта техник таълимни берадилар. Бу билим масканида катта мактаб дастури асосида механика, электроника, химия, технология, қурилиш, металлургия каби махсус техник фанлар ўқитилади. Коллежни битирган ўқувчилар дорилфунуннинг 2-ёки 3-курсига кириб ўқишлари мумкин.

Махсус тайёргарлик коллежи. 1976 йилда ташкил этилган ялпи типдаги ўқув юртидир. У фақат юқори малакали мутахассис тайёрлабгина қолмай, балки талабаларнинг маданий савиясини ўстиришни таъминлайди. Ўқиш муддати 1 йил, курс 800 соатдан иборат. Бу коллеж битирувчилари дорилфунуннинг тегишли курсларига қабул қилинмайдилар.

Назорат саволлари:

1. Япония таълим тизими ва унинг таркибини изоҳланг.
2. Бошланғич, ўрта таълим жараёнини ташкил қилиш қандай амалга оширилади?
3. Ўрта махсус ва ҳунар-техника таълимининг мазмунини ёритиб беринг.

Адабиётлар:

2. Ж.Ғ. Йўлдошев “Хорижда таълим” Т., 1995й.
2. Б.Ф. Вульфсон “Сравнительная педагогика” М., 2003 й.
3. Н.Х. Таканаев «Чет эллар педагогикаси тарихи”-Т, 1959 й.
4. М.А. Соколова ва бошқалар «Қиёсий педагогика”-Т, 1983 й.
5. “The word book enceclopedia”, 1994 й. 1-жилд.
6. “The word book enceclopedia”, 2-жилд.
7. “The word book enceclopedia”, 3-жилд.

Мавзу: Туркияда таълим сиёсатининг олиб борилиши.

Режа:

1. Туркия талим тизимининг мамлакат Конституциясида ифодаланиши.
2. Туркия таълим тизими ва унинг турлари.
3. Туркия лицейлари ва уларда таълим дастурларининг бажарилиши.

Таянч сўзлар:

мактабгача тарбия;

бошланғич мактаб;

ўрта мактаб;

дастур;

лицей;

олий таълим.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач, унинг мустақиллигини биринчи бўлиб қардош Туркия Республикаси тан олди. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар, шу жумладан, таълим бўйича ҳамкорлик тез ривожланиб борди ва у бизнинг хорижий мамлакатлар билан алоқаларимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Бу ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ, Республикамизда 20 дан ортиқ ўзбек-турк ҳамкорлигидаги лицейлар ташкил этилди ва улар яхши фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳар йили юзлаб ўзбекистонлик ўқувчилар ва талабалар таълим олиш учун Туркияга жўнатилмоқда. Айни вақтда туркиялик ёшлар ҳам Республикамиз ўқув муассасаларида билим олмоқдалар.

Шунингдек, бу мамлакат билан кенг кўламда таълим бўйича мутахассислар алмашиш йўлга қўйилган. Ҳар икки мамлакатдан таълимни бошқариш муассасаларининг, ўқув юртларининг ҳамда таълим бўйича илмий тадқиқотлар ва илмий-методик ишлар олиб борувчи мутахассислар, ўқитувчилар ва тарбиячилар бир-бирларига ташрифлар уюштириб ўзаро тажрибалар алмашмоқдалар. Буларнинг барчаси икки мамлакат

маорифчиларининг умумий мақсад йўлидаги ишларни ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшиляпти. Туркия Республикасида таълимнинг қўйилишининг ўзига хос томонлари борлигини ҳисобга олиб, у ҳақда тўлароқ маълумотлар бериш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Республикада ҳозир амалдаги таълим тизимларига турк халкининг асл фарзанди Камол Отатурк асос солган. Туркия таълим тизимлари мамлакат Конституцияси, таълим-тарбия тўғрисидаги қонунлар, «Миллий маориф вазирлигининг тузилиши ва вазифалари ҳақидаги 179, 208, 385- сонли қонунларда ҳамда ҳукумат дастурларида ҳар томонлама чуқур ифодаланган.

Республика Конституциясининг 42-моддасида “Барча кишилар таълим-тарбия олиш ҳуқуқига эгадирлар” деб ёзиб қўйилган ва фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқлари кафолатланган. Туркия Республикасида барча типдаги таълим тўла давлат назоратида бўлиб, бундай назоратга кирмайдиган таълим-тарбия масканларини очиш мумкин эмас. Хусусий мактаблар ҳам давлат таълим стандартлари талабига мос келиши ва давлат дастурларини тўла бажаришга мажбур.

Бошланғич таълим барча кишилар учун мажбурий, давлат мактабларида бепул ўқитилади. Мажбурий таълимдан сўнг, унинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш истагини билдирган, кам таъминланган оилалардан чиққан болалар давлат томонидан стипендиялар билан таъминланадилар, уларга бошқа тегишли имтиёзлар ҳам белгиланган.

Таълим муассасаларида фақат ўқув-тарбия ишлари, уни такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларнигина бажарадилар. Ундан ташқари фаолиятларга йўл қўйилмайди.

Турк миллатига мансуб кишиларга она тили сифатида бошқа бирор хорижий давлат тилини ўргатиш мумкин эмас. Туркия миллий маорифи тизимларининг умумий тузилиши қуйидагича: таълим тизими бу мамлакатда икки асосий қисмга бўлинади. Улардан биринчи қисми мактаб таълими бўлиб, унинг таркибига мактабгача тарбия, бошланғич таълим, ўрта ва олий таълим киради. Унинг таркиби қуйидагича:

1. Мактабгача тарбия босқичига мактаб ёшига етмаган болаларни қабул қилиш ихтиёрийдир. Мактабгача таълим-тарбиянинг мақсади болаларни жисмоний, ақлий ва аҳлокий ривожланишини таъминлаш, уларни мактаб босқичига пухта тайёрлаб бериш, кам таъминланган ўқувчиларга шароит яратиш, турк тилида тўғри ва чиройли гапиришни ўргатишдан иборатдир.

1992 йилда Туркияда 131023 болани қамраб олган 7763 боғча ишлади. Бу мактабгача тарбия ишидаги умумий болалар сонининг 5 фоизини ташкил этади.

2. Бошланғич мактабда эса болалар 6 ёшдан 14 ёшгача таълим оладилар. Бу босқичдаги мактаб қуйидаги мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади;

а) ҳар бир турк фарзандига яхши инсон бўлиб камол топиш, билимли бўлиш, уни миллий ифтихор руҳида тарбиялаш ва фикрлашга ўргатиш;

б) ҳар бир турк фарзандига қизиқиши, қобилияти ва истеъдодларига кўра таълим бериш, уларни ҳаётга, ўқишнинг кейинги босқичларига пухта тайёрлашдан иборат.

Бошланғич таълим муассасалари мактабгача тарбия босқичидан сўнг икки қисмга: 5 йиллик бошланғич ва 3 йиллик ўрта мактаблар босқичига бўлинади. Ҳар икки босқич мактабини битирганлик ҳақида ўқувчиларга аттестат берилади.

Бу икки босқич мактаб шароитига қараб бир мактаб базасида ёки алоҳида-алоҳида икки мактаб таркибида ташкил қилиниши мумкин.

Аҳоли сийрак ва тарқоқ қишлоқларда мактаб марказий қишлоқлардан бирида очилади, гуруҳлаштириш имконияти бўлмаган туманларда эса бу таълим босқичи интернатлар типидаги ўқув муассасалари шаклида амалга оширилади.

3. Ўрта таълим бошланғич таълимга таяниб, камида уч йиллик таълим берувчи умумий, касбий ва техник таълим муассасаларини ўз ичига олади.

Унинг асосий мақсади барча ўқувчиларга умумий ўрта таълим ва шунга мувофиқ умумий маданият, инсон ва жамият муаммоларини ўргатиш, уларни олий таълим босқичига, ҳаётга, касб-кор соҳаларига тайёрлашдир.

Бу мақсадлар ўрта умумий таълим, турли дастурларда касб-кор ўргатувчи техник-қурилиш қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги лицейларда амалга оширилади.

Ўқувнинг ҳар бир босқичи бўйича алоҳида-алоҳида дастурлар мавжуд.

Бу дастурлар қуйидагилардир:

— таълимнинг олий босқичига тайёрлаш дастури;

— касбга ва олий таълимга тайёрлаш дастури;

— ҳаётга, ишлаб чиқаришга тайёрлаш дастури ва хоказолар.

Лицейлар ўз турларига ва жумҳурият эҳтиёжига кўра қуйидагича ихтисослаштирилган:

— умумий лицейлар — ўқувчиларни олий таълимга тайёрлайди, 3 йил;

— фан лицейлари — алоҳида фанлардан иқтидорли ва ижодкор ўқувчилар билимини ва қобилиятини такомиллаштиради, 5 йил;

— кичик лицейлар — кундузги лицейларда ўқиш имконияти бўлмаганлар учун, ўқиш 4 йил;

— касб-ҳунар лицейлари —ўқувчиларга ўз қизиқишлари 6ўйича турли касб-ҳунар ўргатади, ўқиш муддати 3 йил;

— нафис санъат лицейи — она тили ва адабиёти, расм, мусиқа каби бўлимларга эга;

— ўқитувчилар лицейлари — бошланғич таълим бўйича ўқитувчилар тайёрлайди. Ўқиш муддати 1 йил тайёрлов курсини ҳисобга олганда 4 йил;

— тижорат ва туризм таълими лицейлари — маиший хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш шаҳобчаларига ва бошқа соҳаларга мутахассислар тайёрлаб беради;

— диний таълим мактаблари — имом-хатиб ҳамда дин дарсини ўтувчи ўқитувчилар тайёрлайди;

— махсус таълим мактаблари — улар коррекцион мактаблар бўлиб, жисмоний-ақлий жиҳатдан нуқсони бор болалар учун мўлжалланган;

— техник лицейлар — ўқувчиларга умумий фанлар билан бир қаторда индустриал касб-ҳунар таълимини беради.

Бундан ташқари Туркияда қизлар касб лицейи, қизлар техник лицейи, қизлар санъат ўрта мактаблари, қизлар, ўғил болалар хусусий мактаблари мавжуд.

4. Олий таълим — мамлакатда олий малакали турли касб мутахассисликларини, илмий тадқиқот ишлари олиб боришга қодир кишиларни етиштириб беради.

Туркияда бундай мутахассисликлар бўйича ҳозир 235' университетлар ва олий тсхнологик институтлар ишлаб турибди. Бу университетлардан 2 таси диний маҳкамалар тасарруфидадир.

Мамлакатдан ташқарида яшовчи турк миллатига мансуб кишиларнинг (улар 2,5 млн. дан ортиқ) таълим-тарбиясига ҳам катта аҳамият берилади. Ҳозир шундай тоифадаги кишиларни ўқитиш учун Туркия ҳукумати томонидан 1,236та ўқитувчи ажратилган. Уларнинг барчасига давлат томонидан ҳақ тўланади.

Туркия ҳукумати «Миллий маорифининг асосий Қонуни»да мактаб таълими билан бир қаторда мактабдан ташқари таълимга ҳам катта эътибор берилган.

Мактабдан ташқари таълимга қўйилган асосий талаб катта ёшдагиларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш; уларга умумий ва касб-кор билимларини бериш; саводхонликдаги нуқсонларини бартараф этиш каби вазифаларни бажаради, шунингдек, бундай муассасалар фуқароларга, биринчи галда ёшларга ижтимоий ҳаётнинг илмий, технологик, иқтисодий, маданий ҳаётига тўла мослашиш учун шарт-шароитлар яратиб беради. Шунингдек, МТМлар турли соҳаларда меҳнат қилаётган кишиларнинг ишдан ажралмаган ҳолда касб малакаларини оширишга имконият туғдиради. Туркия Реслубликасида

мактабдан ташқари таълим икки манба орқали берилади. Улардан бири мактаб бўлса, иккинчиси устоз-шогирдлик йўналишидир.

Уларнинг соҳалар бўйича дастурлари қуйидагилар:

1. Умумий таълим дастурлари;
2. Касб-ҳунар, техник таълим дастурлари;
3. Шогирдлик ва усталик таълими дастурлари;
4. Очиқ таълим дастурлари ва ҳоказолар.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари таркибига булардан ташқари амалий санъат мактаблари, қизлар амалий санъат мактаблари, етуклик институтлари на етуклик техник таълим марказлари ҳам киритилган.

Шунингдек, кейинги йилларда ўқувчилар ва талабаларнинг бўш вақтларини кўнгилли ва сермазмун ўтказишга катта аҳамият берилмоқда.

Шу мақсадда тил ўргатиш марказлари мусиқа, халқ ўйинлари, фото, театр студиялари, шахмат-шашка клублари, турли саёҳатлар уюштириш, лагерда дам олишни ташкил қилищ ҳамширалик, рассомчилик тўгараклари йўлга қўйилаётир, улар орқали турли танловлар ўтказишни амалга оширилмоқда.

Талабалар ва ўқувчилар учун спортнинг турли соҳалари бўйича секциялар ташкил этилган, уларда спортнинг оммавий турлари бўйича турнирлар, мусобақалар ташкил этилмоқда. Қизлар учун эса қўлда тўқиш, бичиш-тикиш, пазандалик йўналишларидаги тўгараклар мавжуд. Улар томонидан тўқилган, тикилган, тайёрланган маҳсулотлар ҳар йили Анқарадаги катта кўргазмада намойиш этилади.

Назорат саволлари:

1. Туркия миллий маорифи тизимларининг умумий тузилиши ҳақида нималарни биласиз?

2. Туркия Реслубликасида мактабдан ташқари таълим қандай олиб борилади?

3. Туркияда лицейлар қандай ихтисосликлар бўйича фаолият кўрсатади?

4. Туркия олий таълим босқичини изоҳланг.

5. Туркияда таълимга оид қандай қонунлар мавжуд?

Адабиётлар:

1. Ж.Ғ. Йўлдошев “Хорижда таълим” Т., 1995й.
2. “Турк таълим тизими” Т., 1994й.

.Мавзу: Европа мамлакатларида таълим-тарбия масалаларининг олиб борилиши ва қиёсий таҳлил.

Режа:

1. Германияда таълим-тарбия жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Францияда таълим сиёсатининг олиб борилиши.
3. Англия таълим тизими.

Таянч сўзлар:

реал;
гимназия;
дуал;
оналар мактаби;
триместр;
микэлмэс терм;
лент терм;
хаф терм;

Германияда мавжуд бўлган асосий қонун ҳар бир фуқарога ўз шахсини эркин камол топтириш, қобилиятлари ва қизиқишига қараб мактаб, ўқув юрти ва касб танлаш ҳуқуқини беради. Таълим соҳасидаги сиёсатнинг мақсади шундан иборатки, у ҳар бир инсонни оптимал даражада қўллаб-қувватлаш, унинг манфаатларига жавоб берадиган малакавий тайёргарликдан ўтиш имкониятини яратади. Ҳар бир фуқаро ҳаёти давомида умумий, касбий ва сиёсий таълим олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Таълим соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ёш авлодни демократик мамлакатда масъулият ҳиссига эга мустақил фуқаролар этиб тарбиялашдир.

Германия саноатлаштирилган, хом ашё жиҳатдан заиф мам- лакат сифатида яхши тайёрланган мутахассисларсиз ривожлана олмайди. Бунинг учун Германия таълим соҳасига катта маблағлар ажратади. Масалан, 1995 йилда мамлакат миқиёсида ўқувчи ёшлар ва талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳисобга олинган ҳолда мактаб ва олий ўқув юртлари учун 158,2 млрд марка миқдорида маблағ ажратилди.

Ҳуқуқий асослар. Асосий қонуннинг 7-моддасига мувофиқ бутун мактаб таълими тизими давлат назорати остидадир.

Федератив қурилишга мувофиқ таълим соҳасидаги ваколатлар федерация ва ерлар ўртасида бўлинади. Жумладан, Германиядаги мавжуд 16 та ерларнинг ҳаммасида ҳам ўзларининг таълим тўғрисидаги қонунлари мавжуд.

Таълим соҳасидаги қонунчилик ва бошқарув, асосан, ерларнинг ваколатига киради. Бу, авваломбор, ўрта ва олий таълим тизими, катталарни ўқитиш тизими ва таълим даражасини ошириш тизимига тегишлидир.

"Мактаб таълими тизимини мувофиқлаштириш" тўғрисидаги ерлараро битим (1971 й. 14 сентябрда қабул килинган Гамбург битими) ушбу тизимнинг умумий ва қиёсий тузилмасини белгилайди. Ушбу битимга асосан ерлар қонунчилик органлари томонидан мактабда таълим олишнинг мажбурийлиги, ташкилий шакллар, имтиҳон натижаларини эътироф этишга тегишли бўлган мажбурий қоидалар қабул қилинди. Бундан ташқари қўшимча қарорлар қабул қилиниб, ерлар маданият ва таълим вазирларининг Доимий анжумани (КМК) барча ерларда умумтаълим ва касб-ҳунар мактабларини тамомлаганлик ҳакидаги гувоҳномаларни тан олиш учун ҳам умумий асосларни яратади.

Булар, хусусан, гимназияларнинг юқори босқичларини қайтадан ташкил қилиш тўғрисидаги, етуклик шаҳодатномаси учун имтиҳонларга қўйиладиган ягона талаблар тўғрисидаги ва мактаб таълими тизимида якдиллик ва қиёслашнинг зарур даражасини таъминлайдиган бирлашган мактабларни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳномаларни ўзаро эътироф этиш ҳакидаги карорлардир.

Германиянинг бирлашувидан сўнг КМК доирасидаги битимларга асосан янги ерларнинг таълим тизимини тузулмавий қайта қуриш марказий вазифага айланди. Ландтаглар томонидан мактаб тўғрисидаги қонунлар қабул қилингандан сўнг янги ерларнинг бештасида 1992-1993 ўқув йили бошланиши билан мактаб таълимининг кўппоғонали тизими жорий этилди.

Мажбурий мактаб таълими

Мажбурий мактаб таълими 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга йўналтирилган бўлиб, у 12 йилга мўлжалланган. Мажбурий мактаб таълими тўғрисидаги низомни бажариш учун 9 йил мобайнида (баъзи ерларда 10 йил мобайнида) мактабга тўлиқ ўқув хафтаси давомида бориш, шундан сўнг мажбурий касб-ҳунар мактабига тўлик бўлмаган ўқув ҳафтаси давомида қатнаш лозим (агар ўсмир умумтаълим мактабининг юқори босқичига ёки касб-ҳунар мактабига тўлиқ ўқув ҳафтаси давомида қатнашаётган бўлса). Давлат мактабларининг барчасида ўқиш бепулдир. Ўқув қўлланмалар ҳам, асосан дарсликлар, қисман бепул берилади. Баъзида ўқув қўлланмалар ва дарсликлар вақтинча фойдаланиш учун бериб турилади. Баъзида ўқув қўлланмаси нархининг бир қисми ота-онанинг даромадига боғлиқ ҳолда тўланади.

Диний таълим асосий қонунга мувофиқ — оддий фан сифатида ўқитилади, лекин ноконфессионал мактаблар бундан мустаснодир.

Асосий қонунга мувофиқ ушбу фанни ўқитиш ёки ўқитмаслик тўғрисидаги қарорни ота-она қабул қилади. 12 ёшдан бошлаб болаларнинг диний тарбияси ҳақидаги қонунга биноан ота-онанинг қарори фарзанднинг розилиги билан тас- диқланиши лозим. 14 ёшдан ўқувчи ушбу фанни ўқиш ёки ўқимаслик ҳақида ўзи қарор қилади, агар бунда ерлар ҳуқуи бошқа бир мувофиқлаштирувчи воситани кўзда тутмаган бўлса.

Асосий қонунда мустақил таъсисчиларга эга бўлган хусусий мактабларни ташкил этиш ва сақлаш кафолатланади. Агар бундай хусусий мактаблар давлат мактаблари ўрнига ташкил қилинса, уларнинг таъсис этилиши учун давлат рухсат бериши зарур. Мустақил таъсисчиларга эга бўлган мактаблар таълим соҳасидаги давлат хизматларининг мутаносиблигини бойитади ва шунинг учун ерлар томонидан моддий ёрдам олишади. Германияда бундай мактабларда ўқийдиган ўқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 1995-96 ўқув йилида уларнинг сони 490.000та эди. Мактабларнинг ўзи эса 2.121та эди. "Хусусийчилар" нинг 44 фоизи гимназияларда, 13 фоизи валдорф мактабларида, 10 фоизи ақлан заиф ва ногиронлар учун махсус мактабларда, қолганлари эса турли йўналишдаги мактабларда таълим олмокда.

Болалар боғчаси. Болалар боғчаси — олмонлар бошлаб берган ва кўпгина хорижий мамлакатлар томонидан ўрганиб, қабул қилинган муассасадир. У давлат таълим тизимига эмас, балки ёш авлодни қўллаб-қувватлаш муассасалари тизимига киради. Болалар боғчаси таъсисчилари черков, хайрия уюшмалари ва жамоалар, баъзида — корхоналар ва иттифоқлардир.

Тарбиявий ишларнинг энг муҳим жиҳати — жамиятда яшашга қобилиятли, мустақил инсонни камол топтириш мақсадида гуруҳда ўқишдир. Болалар боғчалари оиладаги тарбияни қўллаб-қувватлашга, шунингдек бошқа кейинги ҳаёти ва таълим олиши учун энг яхши имкониятларни яратиш учун унинг ривожланишидаги камчиликларнинг ўрнини тўлдиришга қаратилган. Одатда, болалар боғчасида болалар тушликка қадар бўладилар. Фақат баъзи бирларида улар кун бўйи бўлишлари мумкин.

1996 йилдан бошлаб болалар боғгчасига қатнаш учун ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилди. Болалар боғчасига фарзандларни бериш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Болалар боғчасига қатнаш учун ота-оналардан уларнинг даромадига қараб маълум миқдорда тўлов олинади.

Мактаб таълими тизими. Бошланғич мактабга болалар 6 ёшдан келадилар. Одатда улар бошланғич мактабда 4 йил (Берлин ва Брандербургда — 6 йил) таълим оладилар. Кўпчилик ерларда болаларга ўқишнинг бошланғич икки йили мобайнида баҳо қўйилмайди, бунинг ўрнига уларнинг ўзлаштиришига батафсил тавсифнома берилади.

Бошланғич мактабда ўқиганларидан сўнг болалар умумтаьлим мактабининг 2-поғонасига борадилар. 5- ва 6-синфлар, уларнинг ташкилий жиҳатидан қатъий назар, авваломбор, бу бола камол топадиган давр бўлиб хизмат қилади, боланинг устидан унинг кейинги ўқиш шаклига йўналтириш мақсадида кузатув олиб борилади.

Болаларнинг кўпчилик қисми бошланғич мактабдан сўнг асосий мактабга ўтишади. Ушбу мактабдаги ҳар бир ўқувчи олмон тили, математика, табиий фанлар, жамиятшунослик ва чет тили (асосан инглиз тили) фанларини ўқийди, бу ерда ўқувчиларнинг келажакда мутахассислик эгаллашларини енгиллаштириш максадида меҳнат дарслари ҳам олиб борилади.

Асосий мактаб ўқувчиларга зарур бўлган умумий таълимни беради. 5 ёки 6 йиллик таълимдан сўнг асосий мактаб битирувчиларининг кўпчилиги касб-ҳунар соҳасида тайёргарлик кўришга киришадилар ва 18 ёшга қадар параллель равишда касб-ҳунар мактабларида таълим оладилар. Асосий мактабни муваффақиятли битириш кўпчилик ҳолларда касб-ҳунар таълимининг дуал тизимига ўтишга имконият яратади.

Реал мактаб асосий мактаб билан гимназия орасидаги ораликда жойлашган бўлиб, у ўқувчиларга кенгайтирилган умумий таълим беради. Одатда, бу ерда ўқиш 6 йил давом этади — 5-синфдан 10-синфгача — ва бошқа ўқув юртларида ва техникумларда ўқишни давом этгиришга ҳуқуқ берадиган ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома беради.

Жумладан, 1998 йили ўқувчиларнинг тахминан 40 фоизи реал мактабни тамомлаганлик ҳақида гувоҳнома олдилар.

Гимназияда ўқиш, одатда, тахминан 9 йилга мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларга чуқурлаштирилган умумий маълумот беради. Ҳозирда гимназияларнинг илгари мавжуд бўлган қадимги тиллар, янги тиллар, математика ва табиий фанлар ихтисосликлари бўйича бўлиниши деярли сақланмаган. Гимназиянинг юқори синфларида (11-дан 13-гача, ерларнинг тўрттасида 10-дан 12-гача ва шунга мувофиқ 11-дан 12-гача) курс бўйича ўқиш шакли одатдаги синфларга бўлиб ўқитиш ўрнига жорий этилган.

Баъзи фанлар ва фан мажмуаларини ўқиш мажбурий бўлиб қолишига қарамай, синф ўқувчиси таълим соҳасида ўзининг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга, чунки унга тенг кўламдаги фанлар таклиф этилади. Фанлар ўқишнинг йўналишига қараб тақсимланади: тил-адабий-бадиий, жамиятшунослик ёки математика, табиий-илмий-техник. Юқори синфларда ўқиш тугагунга қадар ўқувчилар уччала йўналиш бўйича ўқишлари лозим.

Гимназиянинг юқори синфларида таълим олиш, шаҳодатнома олиш учун 4та фандан имтиҳон топшириш билан якунланади. 13 йиллик ўқишдан (ерларнинг тўрттасида ҳозирда 12 йиллик ўқишдан сўнг) ва етуклик шаҳодатномасини олиш учун имтиҳонларни муваффақиятли топширилганидан сўнг учинчи даражали ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома берилади. Бу гувоҳ- нома истаган ихтисослик бйича олий ўқув юртида ўқиш ҳуқуқини беради.

Олий ўқув юртига кириш учун, учинчи даражали ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳномани тақдим этиш зарур. Абитуриентлар сонининг кўплиги ва олий ўқув юртларида жойларнинг етишмаслиги туфайли баъзи факультетларда федерал ёки маҳаллий миқёсда жорий этиладиган қабул қилишнинг белгиланган чекловлари мавжуд.

Бўлажак талабаларнинг танлов меъёри бўлиб, шаҳодатномадаги баҳоларнинг ўртача бали ва олийгоҳга қабул қилиниш тўғрисидаги қарорни кутишга сарфланган вақт ҳисобланади.

Ўрта мактабнинг яна бир тури бирлашган мактабдир. Бу мактабларда болалар 5-дан 10-синфга қадар таълим оладилар. Бирлашган мактабларнинг

баъзиларида гимназияларнинг юқори синфлари қоидаси бўйича ўқиш ташкил этилган синфлар ҳам мавжуд.

Педагогик ва ташкилий жиҳатдан бирлашган мактаб ўз ичига асосий мактаб, реал мактаб ва гимназиянинг элементларини жамлаган ягона ташкилий-педагогик бирликни ташкил этади. Бирлашган мактабда алоҳида фанларни (математика, биринчи чет тили, олмон тили, кимё, физика) ўқитиш, 7-синфдан бошлаб, курс тизими бўйича (камида, талабларнинг 2та даражасида) олиб борилади. Ҳар бир курсга қўйиладиган талабларнинг даражаси ўқувчининг бирлашган мактабни тамомлагандан кейин қайси турдаги гувоҳномани олиш истаги борлигига боғлиқдир: асосий мактабни тамомлаганлик ҳақида ёки гимназиянинг катта синфларида ўқиш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома.

Баъзи янги ерларда мактабнинг бошқа турлари: "мунтазам"— (Тюрингия), "ўрта" (Саксония) ва "иккинчи босқич мактаби" (Саксония-Ангальт) мавжуд. Саар ерида "чуқурлаштирилган реал мактаб" мавжуд. Уларда асосий ва реал мактабларга хос таълим тизимлари бирлашган; 7-синфдан ўқиш ўқувчининг мактабни тамомлаганлик ҳақидаги қайси турдаги гувоҳнома олиш истаги борлигига қараб синфларда ёки курсларда давом эттирилади. Бу мактабнинг 9-10-синфларини тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳномалар, "иккинчи босқич мактаб"ларининг бошқа турларидагидек берилади ва барча ерлар томонидан 1993 йил Маданият ва Таълим вазирларининг анжуманида қабул қилинган ва таҳрир қилиниб, 1995 йилдан кучга кирган шартномага мувофиқ тан олинади.

Шунингдек, ақлан заиф ва ногирон болалар учун махсус мактаблар ҳам мавжуд. Уларга нисбатан ҳам мактабда таълим олишнинг мажбурийлик тамойили қўлланилади.

Таълим олишнинг иккинчи йўли — мактабда ололмаган билимнинг ўрнини тўлдириш. Кечки гимназиялар меҳнат фаолияти билан банд бўлган ҳамда шаҳодатнома олиш учун имтиҳонларга тайёргарлик кўриш қобилиятига эга катта ёшдаги фуқароларга мўлжалланган.

Ўқитувчилар. Германиядаги мактабларнинг ҳар бир турида — махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар ишлайди. Ўқитувчи бўлиб ишлашнинг асосий шарти олий маълумотга эга бўлишдир, лекин олий маълумот олишнинг шакллари ва муддатлари турлича бўлиши мумкин. Бошланғич ва асосий мактабнинг бўлажак ўқитувчиси, одатда, 7 семестр ўқийди. Реал, ақлан заиф ва ногирон болалар учун махсус мактаблар, гимназиялар ва касб-ҳунар мактаблари ўқитувчилари узоқ муддатли, яъни 8 семестрдан 9 семестргача ўқишлари лозим. Ўқишни тамомлаганларидан сўнг ўқитувчи лавозимига номзодлар биринчи давлат имтиҳонини топширадилар. Шундан сўнг педагогик амалиёт (одатда— 2 йил) ва иккинчи давлат имтиҳони бўлади.

КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ. Германияда учинчи босқич ўрта маълумотига эга бўлганлар сони тобора ортиб бормоқда: мактабларнинг кўпчилик бити- рувчилари олий ўқув юртларида таълим олишга қарор қилмоқдалар. Мактабни олий ўқув юртига кириш ҳуқуқисиз тамомлаган

ёшлар, одатда, касб-ҳунар таълими тизимига кириб боради. Лекин олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига эга бўлганларнинг кўпчилиги ҳам касб-ҳунар таълимини танлайди. Кўпчилик ёшлар ўқишни "дуал тизим" доирасида ўтайди, яъни корхонада амалий тайёргарлик билан касб-ҳунар мактабидаги назарий ўқишни бирлаштирадилар. Шундай қилиб, хусусий сектор ва давлат келишилган ҳолда касб-ҳунар таълими тизимидаги аҳволга жавобгардирлар. Мактабдан ташқари касб-ҳунарга ўқиш федерациянинг бошқарувида, касб-ҳунар мактаблари эса — алоҳида ерлар бошқарувидадир.

Бугунги кунда деярли 1,6 млн ёшлар, эътироф этилган нуфуз ва талаб даражаси турлича бўлган тахминан 470 та ихтисосликдан биттаси бўйича тайёргарликдан ўтайдилар. Ҳозирги вақтда ўсмирларнинг деярли 40 фоизи, қизларнинг эса 55 фоизидан кўпроғи энг нуфузли 10 та ихтисослик бўйича тайёргарлик ўтишмокда. Ўсмирлар кўпроқ автомеханик, электромонтер, корхонада механик ёки улгуржи ва ташқи савдо-сотиқ коммерсанти. касбини танлашмоқда. Қизлар эса шифокор ёрдамчиси (ҳамшира), чакана савдо-сотиқ соҳасида сотувчи, сартарош, идора хизматчиси касбларини афзал кўришмоқда. Шу билан бир қаторда тугалланган касбий таълимни ололмаган ёшларга касб эгаллаш имкониятини бериш мақсадида бошқа кенг чоралар ҳам амалга оширилади.

Касб-ҳунар мактаби. Корхонада тайёргарлик кўриш билан параллел равишда ёшлар 3 йил давомида касб-ҳунар мактабларида, у ерга ҳафтада 2-3 марта қатнаб таълим олишлари мумкин. Умумий таълим билан бир қаторда бу мактаб, асосан, ўқувчига корхонадан кўра кенгрок кўламда эгаллаши мумкин бўлган махсус назарий билимлар ҳам беради.

Тайёргарлик натижалари якуний имтиҳонлар жараёнида текширилади ва тегишли идора (палата) томонидан берилган ўқишни тамомлаганлик ҳақида гувоҳномаларда кўрсатилади.

Касб-ҳунар мактабида таълим олиш 18 ёшга тўлмаган ва бошқа мактабларда ўқимаётган барча ёшлар учун мажбурийдир. Йил давомида тайёрлов курсида ўқувчилар махсус назарий билимлар эгаллайдилар, бу эса, ўз навбатида, бўлажак мутахассислик йўналишини танлашда ёрдам беради.

Касбий таълим олишнинг бошқа имкониятлари. Корхонада таълим олиш ва касб-ҳунар мактабларида ўқишдан ташқари мутахассислик эгаллашнинг бошқа имкониятлари ҳам мавжуд. Масалан, ихтисослаштирилган касб-ҳунар билим юртларида ўқиш 1 йилдан 3 йилгача давом этади. У корхонада касбий тайёргарлик деб ҳисобланиши ёки уни тўлиқ равишда ўрнини босиши мумкин. Реал мактаб битирувчилари техникумларга қабул қилинади ва 2 йилдан кейин улар ихтисослаштирилган олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини берувчи ўқишни тамомлаганлик ҳақида гувоҳнома олишади. Тугалланган касбий маълумотта эга ўқувчиларга бундай ҳуқуқ 1 йил ўқиганларидан сўнг берилади. Назариядан ташқари, ўқитиш циклига ўқув устахоналарида ишлаш ва амалиёт киради. Ҳар йили меҳнат масаласи бўйича федерал бошқарма жисмоний заифлик билан оғриган ёшларнинг индивидуал касбий маълумот олишлари учун 4,3 млн марка ажратади. Жумладан, корхоналарнинг мажбуриятларига ишчи жойларнинг 6 фоизидан кам

бўлмаган қисми ногиронларга тақдим этиш мажбурияти юклатилган. Ушбу низомни бажармаганлик учун жарима солинади.

Корхонада таълим олиш. Корхонада амалий таълим олиш, "шогирдлик", мутахассисликка қараб 2 йилдан *3,5* йилгача, ўртача 3 йил давом этади. Давлат томонидан эътироф этилган мутахассисликлар бўйича тайёргарлик рухсат этилган холос. Етуклик шаҳодатномасига эга бўлган фуқаронинг ўқиш муддати ярим йилга қисқартирилиши мумкин. Ўзлаштириш юқори даражада бўлса, ўқиш муддатини яна ярим йилга қисқартириш мумкин. Шогирдларнинг маоши йилдан-йилга ортиб боради. Ўқув дастурлари тадбиркорлар уюшмаси ва касаба уюшмалари томонидан белгиланиб, тегишли федерал вазирликлар низомларида эътироф этилади. Уларда ўқитиладиган фанлар ва имтиҳон шакллари белгиланади. Имтиҳонлар иқтисоддаги ўз-ўзини бошқариш органлари (саноат-савдо палаталари, ҳунар палаталари) томонидан қабул қилинади. Имтиҳон комиссияси таркибига ишбилармонлар, меҳнат жамоаси вакиллари ҳамда касб-ҳунар мактаблари ўқитувчилари киради.

Ўқувчилар иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олган 500.000дан ортиқ корхоналарда, шунингдек эркин касблар соҳасида ва давлат муассасаларида ўқийдилар. Йирик фирмалар ўқувчиларни ўзларининг ўқув устахоналари ва иш жойларида тайёрлайдилар. Кичик корхоналарда ўқиш бевосита иш жойларида ташкил этилган. Агар корхона тор ихтисосликка эга бўлиб, зарурий билимларни бериш имкониятига эга бўлмаса, уларга ёшлар ўзларининг касбий билимларини чуқурлаштиришлари мумкин бўлган тармоқлараро ўқув марказлари ёрдам беради.

Барча учун таълим. Мамлакатда ҳеч бир киши мутахассисликка эга бўлмай туриб меҳнат фаолиятини бошлаши мумкин эмас. Касбий таълимнинг дуал тизими ўзини яхши томондан кўрсатиб, доимо мукаммаллашиб бормоқда. Шунинг учун бўлса керак қатор мамлакатларнинг бу тизимга қизиқишлари ортмоқда.

Ёшлар ичида корхоналарда ўқув жойларига талаб ошаётганига қарамай, шу пайтгача таклиф ва талаб ўртасидаги мувозанатни ушлаб туришга эришилиб келинмоқда. Германиянинг бирлашуви тўғрисидаги Шартномада соҳада ёшларнинг ҳаракатчанлигини ошириш мақсадида мамлакатнинг ҳар иккала қисмида олинган касбий таълим тўғрисидаги гувоҳномалар тан олинади.

Олий ўқув юртлари. Германиянинг энг қадимги олий ўқув юрти — Гейдельбергдаги университет 1386 йилда ташкил этилган. Бошқа кўпгина уни- верситетлар 500 йиллик юбилейларини нишонладилар, булар жумладан, урф-одатларга бой Лейпцигдаги (1409 йилда ташкил этилган) ва Ростокдаги (1419 йилда ташкил этилган) университетлардир. Улар билан бир қаторда жуда ёш университетлар ҳам мавжуд, уларнинг 20дан ортиғи 1960 йилдан сўнг ташкил этилган.

Секинлик билан ривожланаётган университетлар билан бир қаторда олий техник ўқув юртлари, педагогика институтлари ва, хусусан,

асримизнинг 70-80-йилларида ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари ташкил топди. Барча ёшларнинг ўқишга қабул қилиниши ҳуқуқи — олий мактаб соҳасидаги сиёсатнинг мақсадига айланади.

1960 йилда олий ўқув юртларида ёшларнинг фақат 8 фоизигина ўқий бошлаган бўлса, бутунги кунда барча мактаб битирувчисининг деярли ҳар бир учинчиси олий ўқув юртига қабул қилиш ҳақида ариза беради. Аммо, таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Олмония олий таълимида муаммолар кўпайди. Жумладан, 1996-97-йилларда қишки семестрда мамлакатда талабалар, сони 1,83 млн кишига камайди.

Яна битта муаммо — бу таълим олишнинг ўртача муддати ниҳоятда катталигидир. Бунинг учун федерация ва ерлар ўқув жараёни тузилмасини ислоҳ қилиш ва олий ўқув юртларининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги масалани кўриб чиқмоқдалар. Олмонияда олий ўқув юртлари фақатгина таълим соҳасидаги вазифаларни бажарибгина қолмай, балки илмий тадқиқотлар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Уларнинг назарий тадқиқотлар соҳасидаги фаолияти Олмониядаги илмий тадқиқотларнинг умумий даражасини оширишга ёрдам беради.

Олий мактабнинг ташкилий тузилмаси. Олий ўқув юртлари (баъзи бир хусусий, айниқса, диний олий ўқув юртлари, бундесвер университетлари, Ихтисослаштирилган бошқарувнинг олий федерал мактабидан ташқари) ерлар ваколатига киради. Федерация ва ерлар мавжуд ўқув юртларини кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш тадбирларини режалаштириш бўйича ҳамкорлик олиб борадилар. Келажакдаги вазифаларни ҳал этиш мақсадида махсус федерация ва ерларнинг таълим соҳасини режалаштириш масалалари билан шуғулланадиган ва илмий тадқиқотлар олиб боришга кўмаклашадиган бирлашган комиссияси ташкил этилган. Бу доирада федерация ва ерлар ҳамкорликда таълимнинг барча соҳасида модел лойиҳаларга моддий ёрдам кўрсатади. Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Қонунлар доирасида у ўзининг Низомига асосан иш олиб боради. Олий ўқув юртини бир неча йилга сайланадиган штатдаги ректор ёки президент бошқаради. Федерал ерларнинг кўпчилигида, олий ўқув юртларида талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими мавжуд.

ФРАНЦИЯДА ТАЪЛИМНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Франция жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эга.

Бу мамлакатда «Таълим ҳақида»ги қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Франция давлатининг ҳозирги даврида амал қилаётган “Таълим ҳакида”ги Қонун 1989 йил 10 июлда қабул ккилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички, ташқи сиёсатидаги ислоҳотлар, юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидаги илғор тажрибаларнинг мамлакат таълим

тизимларига кириб келиши, ўқув предметларидаги интеграциялар ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир.

Мамлакатда мактаблар давлат, хусусий, оралиs мактабларига бўлинади. Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, уларга ажратилган вақт дарс таркибининг 30 фоизини ташкил этади. Умуман, таркибдаги 45 фоиз дарслар гуманитар йўналишда, қолганлари табиий фанлардир. Синфларнинг ўртача хафталик дарслари 26 соатдан иборат, дарсларнинг давомийлиги эса 60 минут, синфлардаги болаларнинг ўртача сони 35-40 та, ўқув йили 5 чоракка бўлинади.

Бошланғич синфлардаги ўқиш эрталабки ва тушдан кейинги қисмларга бўлинади. Эрталаб ўқувчилар она тилидан, тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар. Франция мактабларида она тили ва адабиёти хамда математика база предметлари, тарих, география, меҳнат таълими, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИ

Франция таълим тизимининг дастлабка босқичини мактабгача тарбия ташкил этади. Бу босқични “Оналар мактаби” деб ҳам юритилади. Бундан кўзланган асосий мақсад, болаларнинг мактабдаги шароитини уй шароити билан яқинлаштириш уларга оиладагидек илиқ муносабатни шакллантиришдан иборат. Уларни мустақил ҳолда ҳам, мактабларнинг бошланғич синфлари базасида ҳам ташкил этилган. Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади, 1980 йилларнинг охиридаги маълумотларига кўра, оналар мактаб- ларида 65 минг, бошланғич мактаблар базасида ташкил этилган мактабгача тарбия шахобчаларида 9100 синф мавжуд. Бу босқичда тарбияланувчилар қуйидагича табақалаштирилган:

-кичик гуруҳ 2 ёшдан 4 ёшгача;

-ўрта гуруҳ 4 ёшдан 5 ёшгача;

-катта гуруҳ 5 ёшдан 6 ёшгача.

5-6 ёшлилар мактабга тайерлов гуруҳи бўлиб, уларга Францияда 100 фоиз шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Францияда бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаблар фуқароларнинг қандай миллатга, мамлакат фуқаролигига мансуб бўлишидан қатъий назар, мажбурий ва бепулдир.

Бошланғич мактаб босқичига қўйилган асосий талаб ўқувчиларга ифодали ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдан иборатдир.

Франция таълим муассасаларида таълим олаётган чет эл фуқаролигига мансуб кишиларнинг фарзандларига уларнинг ватани, ҳалки, тарихи, тили ва адабиётини ўрганиш учун факультатив курслар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Бошланғич синфларда ўқиш муддати 5 йил бўлиб, шу муддат ичидаги ўқиш асосан 3 босқичга бўлинади:

— Тайёрлов босқичи — 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга, ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга, жисмоний машқлар билан машғул бўлишга, мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга, мусиқага, меҳнат қилишга ўргатиладилар.

Ўқув машғулотлари эрталаб соат 9 дан 12 гача, ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин овқатлар жуда арзонлаштирилган нархлардадир.

— Навбатдаги босқич — элементар курс бўлиб, бу босқич 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олган билимлари янада такомиллаштирилади. Тайёрлов босқичида бир ўқитувчи ишласа, элементар босқичда икки ўқитувчи (ҳар бири 1 йилдан) ишлайди.

— Бошланғич мактабнинг 3 босқичи — чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади.

Дастурларда ўқув предметларининг барчасига уч босқич бўйича аниқ, алоҳида-алоҳида талаблар қўйилади. Масалан:

ЎҚИШ

I босқичда ўқувчи:

1. Босмадан чиққан барча нашрларни (китоб, газета журнал, луғат, эълон, хат ва ҳоказо) бир-биридан ажрата олиш;

2. Хатни ўқиш тамойилларини (сатр боши, сарлавҳа, боб бетларнинг кетма-кетлиги) ўрганиб олиш;

3. Матн таркибини (нутқ, асосий қисм, хулоса) аниқлай олиш;

4. Мустақил машғулотларда китоблардан, луғатлардан фойдалана олиш.

II босқичда:

1. Ўқиганлари мазмунини элементар баён қилиб бера олиш;

2. Китоб мавзусида иштирок этган шахсларни аниқлаш, номини билиш, тасвирлаб бериш;

3. Синтетик таҳлил қила билиш (урғу, тиниш белгилари).

III босқичда:

1. Ифодали, тез ва аниқ, овоз чиқариб ҳамда ўзича ўқиш, ўқиш қоидаларини тўла шакллантириш, саволларга оғзаки ва ёзма равишда жавоб қайтариш, мавзули расмларни изоҳлаб бериш;

2. Матндаги ноанив сўзларни аниқлаш ва уни тез таржима қилишни билиш;

3. Синф кутубхонасини ташкил этишда иштирок этиш;

4. Баён қилинган ахборотни тинглаш ва тўғри қабул қилиш;

5. Сўзларни оғзаки ва ёзма фонетик таҳлил қилиб бериш;

6. Китобдан ва луғатли адабиётлардан мустақил ишлаш жараёнида тўла фойдалана олиш;

7. Соддалаштирилган матнлар билан ишлашни билиш.

ЁЗУВ

Ёзувга қўйилган талаб уч савияда белгиланади: ёзув техникасини ўрганиш, ёзувда қалам, ручка, бўрда ишлашни билиш, чизиқларга тўла риоя қилиш, ёзма ва босма ҳарфларни фарқлаш, хатолар устидан ишлаш малакасини эгаллаш лозим. Ёзув бўйича ўқувчи III босқичда иншоси шаклланган, тасвири мазмунли, ёзув техникасини мукаммал ўзлаштирган, ифодада аниқ изчилликка эга бўлмоғи даркор.

ОҒЗАКИ НУТҚ

Оғзаки нутқни ривожлантириш бўйича ҳам уч босқичнинг осондан қийинга, соддадан мураккабга йўналтирилган талаблари мавжуд. Бола бу босқичда атрофида бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдирган ҳолда ифодали сўзлаб бера олиши, ўз нутқини мантиқан таҳлил қилиши, синоним, омоним, антонимларни мазмун ифодасига қараб қўллай олиши, сўз ва ибораларнинг ўз ҳамда кўчган маънода тўғри қўллай билиш, тарих, география ва бошқа предметларнинг атамаларини пухта ўзлаштириб олишлари керакки, бу кейинги босқич мактаблари учун пухта заминдир.

МАТЕМАТИКА БЎЙИЧА

Бошланғич мактабнинг уч этапи давомида ўқувчи содда мисол ва масалаларни таҳлил этиш, улардан пайдо бўладиган ҳосилаларни аниқ тасаввур ҳосил қилиши, таклиф қилинган ҳисоблаш йўлларидан бошқача йўлларни қидириб топиш, жавобларнинг тўғрилигини аниқловчи бир қатор исботларни билиши, сонларни таққослаш, жойлаштиришни амалга оширишни, 1000 гача адашмай санашни билиши сонлар, қавслар, каср чизиқларини қўллаш, мантиқий фикрлаш, арифметикадаги уч амални пухта эгаллаш, оддий диаграмма, шакл, схема, графика, жадвалларни чизиш, геометриядан дастлабки малакага эга бўлмоқлари лозим.

Бошланғич мактабнинг уч босқичли ўқув жараёнида тарих, география бўйича ҳам жиддий талаблар асосида билим берилади. Чунончи, тарих бўйича қадимий ва замонавий воқеа ва ҳодисалар аниқ хронологик кетма-кетлилик билан ўрганиб олишни, ватан тарихини билишини, барча тарихий терминларни ёд олишни талаб этилса, географиядан ориентирлаш картани ўқиш, қитъаларни, океанлар, денгизларни, тоғларни дарё ва кўлларни ажрата олишни, Франциянинг географик ўрни, иктисодиёти, қазилма бойликлари билан танишадилар карта, глобус, атлас, географик луғат ва энциклопедиялардан фойдаланишни ўрганадилар.

Франция мактабларининг бошланғич синфларида фуқаролик таълими предмети ҳам ўқитилади. Бу предмет таълими бизнинг таълим тизимимиздагидек мустақил бўлмай айрим ёндош предметлар таркибига киритилган.

Ўқувчилар оила, мактаб, синф олдида маълум бир масъулият сезмоқлари лозим. Уларни ёшлигиданоқ ўз дўстларини синфдошларини, оила аъзоларини хурматлаш, улар меҳнатини қадрлаш, жамоатчилик ичида ўзини тутиш каби инсоний ҳислатларни сингдиришдан ташқари, ижтимоий, иқтисодий сиёсий ҳаёт, бошқариш ишлари структураси, шаҳар мэри шаҳар кенгаши уларнинг вазифалари, сайлов тизимлари сайлов олди компаниясининг қўйилиши, моҳияти ва бошқалар ўргатилади.

Фуқаролик таълими предмети курслари таркибига яна маъмурий муассасалар, уларнинг вазифалари, фуқароларнинг, ўқувчиларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳам ўргатилади. Бундан ташқари ўқувчилар ўз мамлакатининг сиёсий ҳаётини англаб етишлари, у ҳақда элементар фикр беришни билишлари лозим.

Француз мактабларида нафосат таълимига ҳам алоҳида аҳамият берилади. Бундай таълим уч таркибдан иборат: мусиқа, тасвирий санъат, спорт.

Мусиқа дарсларида ўқувчиларга бадиий сўзлаш, куйлаш, рақсга тушишни ўргатадилар. Бундан ташқари бошланғич синф курсида ўқувчи энг оммалашган мусиқа асбобларидан бирини чала оладиган бўлмоғи керак.

Тасвирий санъатда эса қийиш-ёпиштириш, моделлар ясаш, сурат солиш, ранг танлаш масалалари асосий ўринни эгалайди.

Спорт ҳам таълимнинг шу жабҳасига кириб, болалар бунда югуриш, сакраш, эмаклаш, турли шаклларда юриш каби машқларни бажарадилар. Спорт машғулотлари ва мусобақалари жараёнида болаларни ўзини идора эта олиши, бир-бирини қўллаб-қўлтиқлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатлиликни тарбиялашга асосий эътибор қаратилади.

Шундай қилиб француз мактабларининг мактабгача ва бошланғич таълим босқичида саводхонликка, ўқувчининг шахс сифатида шаклланишига мустаҳкам замин яратилади, ўқувчининг ўз кучи, қобилияти ва имкониятига ишонч тарбияланади. Бу босқич мактабда ўқувчининг дастлабки босқичда қандай ҳолда қабул қилиб олинишидан қатъий назар, уни мактаб ҳаётида бош ролни ўйнашга муваффақ бўлишидан иборатдир.

Ўқувчиларни мактабнинг юқори босқичларига пухта тайёрлаб беришда бошланғич синф ўқитувчиларининг масъулияти (жавобгарлиги ҳам дейиш мумкин) ниҳоятда юқори. Бу масъулиятни “Таълим ҳақида” ги давлат Қонунида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ўқувчилар билан индивидуал ишлаш, уларни рағбатлантириш, шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, таълимда узлуксизлик ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқитувчиларига қўйилган бош талабдир.

Бошланғич мактабларда дарс жадвали ва кун тартибини тўғри, одилона тузишга катта аҳамият берадилар. Бошланғич синф ўқувчилари учун таълим вазирлиги «ўқувчи табели» жорий этган. Бу табел орқали мактаб ва унинг педагогик жамоаси, ҳамда ходимлари ота-оналар билан узлуксиз алоқада бўлиб турадилар.

Таълимни турли цикллар орқали амалга ошириш француз таълим тизимига кейинги йилларда кириб келган янгилик деб баҳолаш мумкин. Айнан таълимдаги цикллаштириш унга ворислик, узлуксизлик, болалар индивидуал қобилиятларини бутун бошланғич таълим жараёнида таъминлаб берувчи омилдир. Бундан ташқари таълимни цикллаштириш ўқитувчи фаолиятига кенг эркинликлар ҳам беради, унинг педагогик масъулиятини оширади.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи болалар билимига масъул экан, унинг услуб танлашига, мустақил ҳаракат қилишига тўла эркинликлар ҳам берилади.

Ўқувчиларга бошланғич мактабнинг дастлабки уч синфида бир ўқитувчи дарс беради. Унинг номзодини педагогик ва ота- оналар жамоаси аниқлайди. Болаларни ёш хусусиятига қараб комплектлаш тамойиллари бор. Лекин у ёки бу сабабга кўра ўқувчиларнинг синфдан-синфга кўчмай қолиш холларини тез-тез *у*чраб туриши туфайли уларнинг ёш жиҳатдан фарқлари ҳам турлича бўлиб қолиши мумкин.

1990 йилдаги ҳукумат қарорига мувофиқ, мактабгача ва бошланғич таълимга модуллаштириш, болаларни билимига у ёки бу фанга мойиллигига қараб табақалаштириш, дарс жадвалини ҳам шу асосда тузиш ҳуқуқи берилди. Бундай дарс жадваллари бир йилга, ярим йилга, чораклар бўйича алоҳида- алоҳида тузилиши мумкин. Кейинги пайтларда ўқитувчи томонидан ўқувчига пухта билим бериш, ота-оналар томонидан эса ўз фарзандига етарли шароит яратиш, уларнинг билим олишларига масъулият билан қараш ифодаланган битимлар тузиш одат тусига кириб бормоқда.

ЎРТА ТАЪЛИМ

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади.

Ўрта таълим икки босқичда берилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил бўлиб, энг кичик синф 6-синф, 5, 4 ўрта, 3-синф эса катта синф ҳисобланади. Демак, синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади.

Биринчи босқичда қуйидаги предметлар ўргатиди француз тили ва адабиёти, чет тили (инглиз, немис, испан, италян тиллари), тарих, франция географияси, математика, табиий фанлар.

Шундай қилиб 6 - 5 - синфлар умумий ўрта таълим беради: 4-3-синфларда ўқувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади.

Биринчи босқич якунлангач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар.

Бундан кейин ўқувнинг иккинчи босқичи бошланади. Бу босқичда ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб 2-синф кичик, 1-синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва дипломи учун имтихон топширадилар. Ана шундай

дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Умумий таълим йўналишидаги уч йиллик таълим лицейларида қуйидаги фанлар ўқитилади: адабиёт тарихи, она тили ва адабиёти, лотин тили, чет тили (инглиз, немис, испан, италян тиллари бўлиши мумкин), тарих, география, франция экономикаси.

Худди шу 3 йиллик босқичли техник лицейларда унинг йўналишларига қараб математика, физика, химия ҳамда бошқа табиий фанлар ўқитилади. Шуниси диққатга сазоворки, ўқувчининг бу босқичда чет тилларни ўрганишига катта эътибор берилади. Талаб, ўқишни тугатгач, ўқувчилар камида 2 та чет тилини мукаммал билишлари керак.

Ўқувнинг бу босқичини гувоҳнома билан тугаллаган ўқувчилар олий мактаб саналмиш институтлар ва университетларга имтиҳонсиз кириш имкониятига эга бўладилар.

Лекин ҳамма олийгоҳларга ҳам имтиҳонсиз кириб бўлмайди. Талабалар олий педагогика институти, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш имтиҳонлари билан қабул қилинадилар, уларнинг шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади.

АНГЛИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Англияда умумий ўрта таълим барча болалар учун 5 ёшдан 16 ёшгача. Ўқув йили эса сентябрдан то июлгача давом этади ва 3 триместрга бўлинади:

Кузги триместр: сентябрнинг бошидан декабрнинг ўрталаригача. У шунингдек Michaelmas Term (Микэлмэс терм) номи билан аталади (хусусий мактабларда).

Баҳорги триместр: январнинг бошидан мартнинг ўрталаригача ёки сўнгигача (пасха байрамлари вақти билан боғлиқ). У шу билан бирга Lent Term (Лент терм) номини олган.

Ёзги триместр: апрелнинг бошидан ёки ўртасидан июлнинг ўрталаригача.

Ҳар триместрнинг ўртасида қисқача таътил (у half term (хаф терм) деб аталади) режалаштирилган бўлиб, октябрнинг охирида бошланади, шу каби февралнинг ўртаси ва майнинг охирларига туғри келади.

Англияда икки типдаги мактаблар мавжуд: давлат мактаблари ва хусусий мактаблар.

ДАВЛАТ МАКТАБЛАРИ

Давлат мактаблари давлат томонидан таъминланади ва маҳаллий таълим муассасалари томонидан бошқарилади. Аммо кўпгина давлат мактаблари шу билан бирга хусусий таъминот манбаларини топишга ҳаракат қилишади. Бундай ҳолатда улар дотация мактаблари деб аталади. Давлат мактабларида ота- оналар ўқитиш учун ҳеч нарса тўлашмайди. Бошқача айтанда, ўрта таълим (11 ёшдан) барча учун мажбурий бўлиб, бу болаларнинг билим савияси ва қобилиятидан қатъи назар, уларнинг қабул қилинишини билдиради. Бундай мактабларда асосан аралаш, яъни уғил ва қиз болалар бирга ўқитилади. Шунта қарамасдан, қобилиятли болалар учун мактаблар

бўлиб, улар имтиҳон натижалари асосида танлаб олинган ва деярли алоҳида ўқитиш мактабларига эга. Ҳамма давлат мактаблари кундузги, яъни мактаб ҳудудида яшашга мўлжалланмаган.

Миллий дастур давлат томонидан ишлаб чиқилади ва барча мактаблар учун мажбурийдир. Кўпчилик хусусий мактаблар миллий таълим дастурига амал қилишади, лекин фанларни ўқитишда ўзгартириш ҳуқуқига эга. Миллий дастурга қуйидаги фанлар киради:

инглиз тили, технология ва дизайн, география, математика, информатика, мусиқа, табиатшунослик, чет тиллари, санъат, жисмоний тайёргарлик, тарих.

Миллий дастур 4 босқичга бўлинади ва «Босқичлар» деб аталади, бу боланинг ёшига боғлиқ:

1-босқич	5-7 ёш	Миллий дастурдаги барча фанлар ўргатилади
2-босқич	7-11 ёш	чет тиллардан ташқари

11-14 ёшдаги (3-босқич) болалар қуйидаги мажбурий фанларни ўрганадилар: математика, инглиз тили табиатшунослик, чет тили, технология. Улар қўшимча ҳеч бўлмаганда битта ижтимоий фанни ўрганишлари керак: география ёки тарих, шунингдек, санъат бўйича бирор фанни: санъат, жисмоний тарбия ёки мусиқа. Мактаб жадвали бўйича болалар хоҳишларига қараб барча ижтимоий ва санъат фанларини ўрганишлари мумкин.

16 ВА УНДАН КАТТА ЁШДА ТОПШИРИЛАДИГАН ДАВЛАТ ИМТИҲОНЛАРИ

GCSE - General Certificate of Secondary Education. 10-ўқув йилини бошловчилар ва май/июнь имтиҳонлари билан 11-ўқув йилини якунловчилар учун 2 йиллик курс. Баллар тизими: «A»дан «G» гача («U» - ўтиб бўлмайдиган балл). Агар бола «A» level курсидан кўпроқ фан ўрганишни истаса, у GCSE имтиҳонларида шу фан бўйича «C»дан паст балл олмаслиги керак.

«GCSE» имтиҳонлари учун 10 тагача фанларни танлаш мумкин, лекин ўртача 6 та фан топширилади.

GCE «A» Level - General Certificate of Education Advanced Level. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун, 12-ўқув йилини бошловчилар ва 13-ўқув йилини май/июндаги имтиҳонлар билан якунловчилар учун 2 йиллик курс. Баллар тизими: «A» дан «E» гача, GCSE даражасида имтиҳон топширишда «N» балли тенглаштирилади. «U» - ўтиб бўлмайдиган балл.

Имтиҳонлар топшириш учун 1, 2 ёки 3 (баъзан хатто 4) фан танланади.

«AS» Level — 1 йиллик курс. Натижалари «А» level 1/2 балларига тенглаштирилади .

Барча юқорида кўрсатилган имтиҳонларнинг натижалари августнинг учинчи ҳафтасида эълон қилинади.

КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ

Кейинги таълим (студентларнинг) 16 ва ундан катта ёшдаги талабаларнинг олий ўқув юртларига кириш учун жадал тайёрлайдиган турли курсларда ўқишларига мўлжалланади. Бундай таълим турли фанлар бўйича тайёрлайдиган, техника ва тижорат фанларининг энг қуйи даражадан бошлаб, то йўналтирилган курсларгача, бизнес соҳасида, маъмуриятчилик ва хўжаликнинг нуфузли доираларида юқори малакали ходимлар тайёрлашга йўналтирадиган «кейинги таълим» коллежларида бўлиши мумкин. Шунингдек, ўқишнинг давоми нокасбий йўналишдаги курсларда ҳам бўлиши мумкин. Уларга ихтисослаштирилган GCSE ва «А» level курслари ҳам тегишлидир. Кундузги ўқиш курсларига қўшимча тарзда ўқишни иш билан бирга олиб борувчилар учун қатор сиртқи ва кечки курслар ҳам мавжуд. «Кейинги таълим» коллежлари тижорат ва ишлаб чиқариш корхоналари билан чамбарчас боғланган ва асосан ишчилар ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлайди, аммо «кейинги таълим»нинг кўп коллежлари олий ўқув муассасалари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу коллеж талабаларига олий маълумот олишлари учун университетда ўқишни давом эттиришларига имкон беради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Олий таълим «А» 1eve1дан юқори даражадаги таълимнинг ҳар қандай турини ўз ичига олади. Бундай таълим университетнинг турли курсларида, коллежларда, олий таълим институтларида (шу жумладан педагогика институтлари), шунингдек, кейинги таълим институтларида ҳам бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда Буюк Британияда 89 та университет мавжуд (шу жумладан олий таълимнинг 1992 йилдаги Актига мувофиқ ташкил этилган 39 та «янги» университетлар ҳам) бўлиб, улар собиқ политехникларга ўз фанлари бўйича даража беришга ва университет номини олиб юришга йўл беради.

УНИВЕРСИТЕТГА КИРИШ

Университетлар ва коллежларга барча расмий талаблар UCAS (Universities and Colleges Admission Service) - олий таълимнинг Британия университет ва коллежларига агентлик каби ҳаракатдаги марказий органи орқали узатилади. UCAS саволларни сентябрнинг бошлари ва декабрнинг ўрталарида бўлган ораликда, олий ўқув муассасаларида ўқишга кейинги йилнинг октябридан қабул қилади. Кечиккан талаблар 30 июнгача узатилиши мумкин, лекин бу даврда ОЎЮларида бўш жойлар анчагина қисқаради ва ОЎЮларининг танлови чекланади.

Абитуриент турли университетлардан кўпи билан 6 курсни танлайди ва уларни UCAS қайд қиладиган шаклда кўрсатиб беради. Афзалликлар тартиби белгиланмайди.

UCAS даги ҳар бир талаб деталлар қайдномаси шаклида компьютерга киргизилади ва талаблар нусхалари унда кўрсатилган университетларга жўнатилади.

Ҳар қайси университет расмий талабни қараб чиқади ва абитуриентни суҳбатдан ўтишга чақириши мумкин, шундан кейин университета таклиф этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Одатда бундай таклиф «шартли» бўлади ва бу шартлар ҳар йили августнинг учинчи ҳафтасида эълон қилинадиган «А» level имтиҳонларининг натижалари ҳисобланади.

UCAS абитуриентларга қарор ва ҳар бир танланган университетнинг ўтиш балини эълон қилади.

Қачонки танланган университетлар ўзларининг қарорларини эълон қилсалар, абитуриент кўпи билан иккита таклифни танлаши мумкин. Таклифлардан бири асосий ва иккинчиси эса «ҳар эҳтимолга қарши» бўлади.

«А» level имтиҳонларининг натижалари эълон қилинганда, (августнинг учинчи ҳафтасида) университетлар абитуриент қабули ҳақида якуний қарор қабул қиладилар.

«А» level имтиҳонлари бўйича керакли балларни тўплаган барча абитуриентлар университетга қабул қилинишлари шарт.

«А» level имтиҳонларида етарли балл йиғолмаган абитуриентлар университет ихтиёри билан унга қабул қилиниши мумкин.

Танланган университетлардан таклиф олмаган ёки кеч (1 июлдан сўнг) мурожаат қилган абитуриентлар кейинги танлов босқичида қатнашишлари мумкин. Бу босқичда UCAS мавжуд ўринлар ҳақида абитуриентларга ахборот беради ва абитуриент бундай университетлар билан мустақил музокаралар олиб бориши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Германия таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини изоҳлаб беринг.
2. Германияда касб-ҳунар таълимнинг ўзига хос хусусиятларини нималарда кўриш мумкин?
3. Сизнингча Франция таълим тизимининг афзалликлари нималардан иборат?
4. Англия давлат мактабларида миллий дастур қандай фанларни қамраб олади?
5. Европа мамлакатлари таълим тизимининг ютуқларини Ўзбекистонда тадбиқ этиш мумкинми?

Адабиётлар:

1. Ж.Ғ. Йўлдошев “Хорижда таълим” Т., 1995й.
2. Б.Ф. Вульфсон “Сравнительная педагогика” М., 2003 й.
3. Н.Х. Таканаев «Чет эллар педагогикаси тарихи”-Т, 1959 й.
4. М.А. Соколова ва бошқалар «Қиёсий педагогика”-Т, 1983 й.
5. “The word book enceclopedia”, 1994 й. 1-жилд.
6. “The word book enceclopedia”, 2-жилд.
7. “The word book enceclopedia”, 3-жилд.

Мавзу: Айрим ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия тизими ва қиёсий таҳлил.

Режа:

1. АҚШ таълим тизими ва унинг таркиби.
2. Нидерландия таълимининг айрим масалалари.
3. Саудия Арабистони таълим тизими.

Таянч сўзлар:

иншолар конкурси;

дастлабки таътиллар;

Рождество таътили;

кириш имтиҳонлари;

ўтиш имтиҳонлари;

миллий имтиҳонлар;

Хотира куни;

битириш кечаси;

гимназия;

атенсум;

АҚШ таълим тизими ва унинг таркиби.

Мамлакат таълим тизимининг тузилиши қуйидагича:

— болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;

— 1-8-синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда болалар 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);

— 9-12-синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунларда амалга оширилади.

Сўнгги босқич, дорилфунунлар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ёки докторантуралардир.

АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқув юртларида давлат жамоа, хусусий тасарруфларда ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, АҚШ мактабларининг битирувчи синф ўқувчиларидан ташқари барча ўқувчилар таътиллар пайтида асосан иш билан банд бўладилар. АҚШ мактабларида ўқув йили 180 кун. Бир соат дарс 45-50 минут.

Америка конституциясига мувофиқ таълим тизими тасарруфидаги штатлар бошқарув муассасалари ихтиёридадир. 1979 йилгача таълимни маблағ билан таъминлаш, таълимда давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқув юртларида фаолиятни мувофиқлаштириб боришни Соғлиқни сақлаш, Ижтимоий таъминот ва таълим ишлари вазирлиги олиб борар эди. 1979 йилда Таълим вазирлиги мустақил бўлиб ажралиб чиқди.

Таълим тизимларига маблағ ажратиш бўйича АҚШ дунё мамлакатлари ўртасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. АҚШ таълим тизимининг ривожланиш суръати анча юқори бўлиб, унинг бошланғич таълим босқичида

ўқиши лозим бўлган болаларнинг 99,9 фоизи ўрта бўғини 94,5 фоизи таълим олади. Ўқувчилар умумий сонининг 46 фоизи ўрта мактабни тамомлагач, коллеж ва университетларга кирадилар. Барча тоифадаги таълим масканларида 58 миллион ёш, шу жумладан, таътилнинг олий босқичида 12 миллион йигит-қиз таҳсил олади. АҚШда ҳар 10 минг аҳолига 307 талаба тўғри келади. Бу жаҳонда юксак кўрсаткичлардан биридир.

Булардан ташқари АҚШда ҳар йили 33 миллион киши узлуксиз таълим ва малака ошириш тизимларида билим оладилар. Мамлакатда 3 миллион ўқитувчи меҳнат қилади. Ҳар йили ўрта мактабни 3 миллион ўқувчи, бакалавр даражасидаги олий таълим босқичини 932 минг киши, магистр даражасида эса 300 минг киши тугаллайди, йилига 30 минг киши докторлик илмий даражасини олади.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ

Америка бой мамлакат. Лекин бу мамлакатда болалар уч ёшга тўлгунларича оналарга турли моддий имтиёзлар бериш кўзда тутилмаган.

Фарзандларга қараб уйда ўтирадими ёки энага ёллаб ишга тушадиларми, бу оналарнинг иши. Ўзбекистондаги каби кенг ва шинам, икки қаватли, ўйнайдиган, ухлайдиган, овқатланадиган алоҳида хоналари бўлган боғча ва яслилар Америкада одоб тусига кирган эмас. Энага ёллаш оила учун ҳафтасига 200 доллардан камга тушмайди. Бу мамлакатда 30-40 болага мўлжалланган хусусий ва давлат тасарруфидаги боғчалар мавжуд. Улар энага ёллашдан бир оз арзонроққа тушади. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам, уйдан олиб борган овқатларни едиришади, кроватчалар, кўрпа, тўшак, ёстиқни ота-оналар олиб боришади. Америкада биздагидек таомномалар, ўқув дастурлари йўқ. Болалар ёзда атрофдаги кўкаламзорларда ўйнаб дам оладилар.

Бу боғчаларда ҳам болалар ёшларига қараб турли гуруҳларда тарбияланадилар, уларга тарбиячи-мутахассис қарайди, улар овқатни тайёрлаб беради, турли қўшиқлар, шеърлар ўргатади, қувноқ ўйинлар уюштиради. Аммо ҳар ким ўз услубига мувофиқ ишлайди, умумий қоидалар, ўқув дастурлари жорий қилинмаган.

Лекин болалар учун ҳақиқий таълим-тарбия жараёни улар 5 ёшга тўлганларидан кейин бошланади. Ана шу ёшда улар «Киндер гарден» деб аталувчи тайёрлов боғчаларига жалб этиладилар. Улар ҳукумат тасарруфида бўлиб, боғчалар ёки мактаблар таркибида ташкил этилади. Болаларни махсус «мактаб автобусида» уйга олиб келадилар ва мактабга олиб борадилар. Бундай автобуслар йўл-транспорт ҳодисаларидан тўла муҳофаза этилган: сариқ рангга бўялган, унинг сигналларига барча транспорт воситалари итоат этишга мажбурдирлар. Мактаб автобусларини бошқа транспорт воситалари қувиб ўтиши мумкин эмас, тартибни бузганлар қаттиқ жазоланадилар.

Кўчаларда, мактабга кетаётганда ёки қайтаётганда аланглаб юрган, ўйнаб футбол тепиб юрган бекорчи болани учратиш амримаҳол. Болаларни мактабда ҳам, уйда ҳам шахсига тегилмайди, дўппосланмайди, у эркин ўсмоғи керак. Агар бирор бола «мени урди» деб ота-онасидан шикоят қилса, маълум муддатга ана шу ота-оналар айрим ҳолларда ота- оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар. Мактабга болалар ўзлари хоҳлаган кийимларда борадилар. 5 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш ота-оналарнинг, боғча ва мактабнинг, оммавий ахборот воситаларининг иши.

АҚШ телевидениесининг алоҳида каналида “ Сезам кўчаси” деб номланувчи кўрсатувлар дастури мавжуд, у ўқувчиларга инглиз тили, алифбо, арифметик амалларни бажариш, санаш, ўқиш, коинот, табиат, жуғрофия, тарих бўйича билимларни ўта қизиқарли тарзда сингдиришга ҳаракат қилади.

Америка кўп миллатли мамлакат. Лекин ҳар бир миллат ўз фарзандига миллий урф-одатларини, тилини ўргатишга жиддий аҳамият беради. Кўпинча бу вазифаларни катта авлод амалга оширади.

Ўзбеклар ҳам ўз она тилини, урф-одатларини, динини ўз фарзандларига сингдиришга астойдил интиладилар.

Ўзбек болалари ҳам Марказий Осиёда ўз мамлакатлари борлигини биладилар, ғойибона интиладилар, у ҳақда кўп нарсаларни кўриш, эшитиш, ўқишни истайдилар.

Ўзбекистонга келиш ҳар бир америкалик ўзбекларнинг муқаддас орзусидир.

Беш ёшли болалар билан олиб бориладиган машғулотларнинг асосини уларни мактабга тайёрлаш ташкил этади. Олти ёшлилар боғча гуруҳларида бўлсаларда, лекин бу гуруҳлардаги таълим бошланғич синфдаги таълимга яқин туриб, амалда унинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Мактабгача тарбия муассасаларининг таълим дастури кўп жиҳатдан ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб боришга мўлжалланган, у пировард натижада болаларни бошланғич мактабларга пухта тайёрлаб беришга хизмат қилиши керак. Шунингдек мактабгача тарбия муассасалари болаларнинг ақлий ва жисмоний, умуминсоний ҳислатларни, болалар жамоаси ичида ўзини тутиш, самимийлик, меҳнатсеварлик, фойдали хатти-ҳаракатларнинг илк шаклланишига эришмоқларини, тозалик, озодалик ва покизаликка ўрганишларини таъминлаб бериши лозим. Юқорида айтганимиздек, мактабгача тарбия муассасаларининг хусусийлари ҳам бор. Лекин у Японияда гидек ривожланган эмас. Америкада хусусий боғчалар давлат дастурига киритилган.

Америкада ўқувчиларнинг ўз фикрини сўзда мукаммал, аниқ ифодалаб бера олишига, ўзлигини англаш, ўзининг қадр-қимматини эъзозлаш, шахсий қобилиятини рўёбга чиқариш туйғуларини тарбиялашга катта эътибор берилади. Болаларда ана шу ҳис-туйғуларини шакллантира бориш илк ёшданоқ бошланади.

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ

Бошланғич мактабларнинг асосий вазифаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга тўлақонли билим, таълим бериш, уларнинг умуминсоний, аҳлоқий хислатларига эга бўлиб шаклланишини таъминлашдан иборатдир.

Бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқув предметлари ва дастурлари болаларнинг ёши, муҳитига мослашган бўлиб, улар ўқувчиларнинг умумий саводхонлигини таъминлаб беришдан ташқари маълум даражада касб йўналишига ҳам эга қилади.

Синфдан-синфга кўчириш ўқувчининг ўқиш тезлиги, ёзуви, ҳуснихати, арифметика, тарих, география, мусиқа ва санъат каби предметларни бошланғич синф дастури ҳамда дарсликлари доирасида қандай ўзлаштириб олганлигига қараб белгиланади.

Америка мактабларида ўқув-тарбия ишлари билан боғлик масалаларни тўлалигича ҳар бир штат ўзига мустақил белгилаб олиш ҳуқуқига эга. Шу боисдан бошланғич мактабларда ўқув давомийлиги турли штатларда турлича белгиланган. Яъни бошланғич таълим 4, 5, 6, 8 йиллик бўлиши мумкин. Ўқувчилар шу давр ичида инглиз тили, ижтимоий фан, табиат ва гигиена, математика, ҳунармандчилик ва санъат, бадантарбия ва спорт предметларидан сабоқ оладилар. АҚШ мактабларида ўқиш ҳар бир ўқвчи учун фахр-ифтихор бўлишига ўқувчи ўз билими имконияти, нуқтаи назарига ишонч ҳиссини тарбиялашга катта эътибор берилади. Ўқувчиларни мактабдан бездириш, уларни дарсларга иштиёқсиз ва лоқайд бўлиб қолишлари фавқулодда салбий ҳолат ҳисобланади.

Ўқувнинг бошланғич таълим босқичиданоқ ўқувчилар учун турли тўгараклар, саёҳатлар ташкил этилади, хилма-хил кўнгил очар тадбирлар ўтказилади. Лекин улар пуллик бўлиб, унга оила бюджетининг 10-16 фоизи сарфланади. Қўли қисқа оилалар фарзандларига бу борада баъзи имтиёзлар берилади.

ЎРТА МАКТАБ

Америка Қўшма Штатларида тўлақонли ўрта мактаб сирасига 10, 11, 12-синфлар киради. 7, 8, 9-синфларни аксарият ҳолда қуйи ўрта мактаб деб ҳам юритилади. Бинобарин, қуйи ўрта мактаб курсини муваффақиятли ўтаганлар юқори босқичга — тўлақонли ўрта мактабга қабул қилинадилар.

Маълум даражада 9-синфни битирганлар юқори ўрта мактабларга танлов йўли билан қабул қилинадилар. Лекин юқори ўрта мактаблар ўқувчиларнинг билимига қараб табақалаштирилганлиги туфайли 86,4 фоиз ўқувчи уларга қабул қилинади.

Америкалик ёшларнинг кўпчилиги ўрта мактабларни тугатгач, тегишли диплом ва махсус курсларни битирганликларини исботловчи ҳужжатлар оладилар. Ўқувчилар одатда маълум бир синфни, курс ёки мактабни якунлашда тест синовларига жалб этиладилар.

Ўқувчилар билими қуйидагича баҳоланади:

А — 95-100 балл;

В — 85-92 балл;

С — 71-80 балл;

Д — 65-70 балл;

Г — 0-64 балл (қониқарсиз).

Тест натижаларига кўра қониқарсиз баҳоланган ўқувчилар йил давомида маълум вақт ўтказиб синовдан қайта ўтказиладилар. Бу синовларга ўқувчиларнинг синф мулоқотида қатнашганлигининг натижалари, оғзаки ва ёзма вазифаларнинг ечимлари ҳам илова қилинади. АҚШ мактабларида чорак ва ўқув йили натижаларига кўра ҳам ўқувчилар тест синовларидан ўтказиладилар.

Баъзи штатларда, шунингдек, Нью-Йоркда ҳам таълим департаменти томонидан белгиланган имтиҳонлар ҳам ўтказилади.

АҚШ мактабларида одатда ўқувчилар ўқув йили давомида икки марта ўзлаштириш табели оладилар. Айрим округларда бундай табеллар ҳар бир фан бўйича 6 марттагача берилади.

Ҳар бир мактаб ўқув йили бошланишидаёқ ўз ўқув тартибини олдиндан белгилаб олади. У қуйидагича бўлиши мумкин:

7 сентябрь — ўқув йилининг бошланиши;

12 октябрь — Колумб куни муносабати билан байрам;

21 октябрь — ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларини аниқловчи тест синовлари;

10 ноябрь — иншолар конкурси;

22-27 ноябрь — дастлабки таътиллар;

2 декабрь — коллежга кириш имтиҳонларининг биринчи босқичи;

22 декабрь — Рождество таътили;

13 январь — коллежга кириш имтиҳонларининг иккинчи босқичи;

26 январь — ўқув йили иккинчи ярмига ўтиш имтиҳонлари;

24 февраль — яхши ўқувчиларни аниқловчи миллий имтиҳонлар;

2 март — коллежларга кириш имтиҳонларининг учинчи босқичи;

5 апрель — 3-даврага ўтиш имтиҳонлари;

12-20 апрель — баҳор таътиллари;

4 июнь — коллежларга кириш имтиҳонларининг тўртинчи босқичи;

30 май — Хотира куни;

12 июнь — битириш кечаси;

20 июнь —ёзги таътилга чиқиш куни.

Ўрта мактабларда ўқувчиларга ўзлари танлаган йўналишларига мос ҳолда предметлар танлашда маълум эркинликлар бор. Масалан, инглиз тили, ижтимоий фанлар, математика, физика предметлари асосий фан бўлиб, чет тиллари, нафис санъат, касб таълими предметлари ўқувчиларнинг хоҳиш, истакларига қараб қўйилиши мумкин.

Ўрта мактаб ўқувчилари кундалик фаолиятида ярим вақтни ўқув синфларида, қолган вақтни эса лаборатория, майдонлар, тажриба участкалари, амалиёт учун мўлжалланган жойларда ўтказадилар. 10, 11, 12-синфларда мактаб-оила ҳамкорлиги, айниқса, мустаҳкам бўлади. Чунки айни шу босқичда ўқувчиларнинг касб-корларга мойиллиги тўла қарор топади.

Ўқувчилар ва ота-оналарнинг истакларига мувофиқ, касб-кор йўналишига мос келадиган предметлардан олинадиган сабоқларни кўпайтириш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчи келажакда қайси соҳага ўз ҳаётини бағишлашга аҳд қилган бўлса, айнан ўша йўналишдаги предметларни устун даражада ўрганиб, тайёргарлик ишларини олиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ўрта мактаблари ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касб-кор, умумий йўналишларда билим берадилар. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда ҳунар, касб-кор асосларини бериб борадилар. Булар қуйидагилар:

Биринчиси, қишлоқ хўжалик касблари таълими ҳисобланиб, унда тингловчиларга фермерлик асослари ўқитилади ва унда қишлоқ хўжалиги бўйича менежментлар етиштириб берилади. Бундай таълим Американинг бўлғуси фермерлари дастури асосида иш олиб боради.

Иккинчиси, бизнес таълимидир. Унда ўқувчиларга тижорат, тижорат иқтисодиёти, ички иқтисодиёт мутахассислиги ўргатилади, бундай ўқув йўналишларида болаларда мурувват, беморларга ғамхўрлик қилиш, инсонпарварлик туйғуларини тарбиялаш масалаларига ҳам жиддий аҳамият берилади.

Учинчиси, савдо ва саноат таълими бўлиб, унда ёшларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва механиклик касби ўргатилади.

Тўртинчиси, қурилиш таълими бўлиб, бу таълим тизими орқали турли қурилиш касблари бўйича билим ва кўникмалар берилади.

Бу касб дастурлари ўқувчиларни ана шу касбларга тайёрлаши ҳам, уларни шу касб-корни янада чуқурроқ ўрганиш бўйича ўқишни давом эттиришга ҳам тайёрлаши мумкин. Бундан ташқари, дастурнинг учинчи тури ҳам мавжуд бўлиб, бу умумий таълим (академик) дастуридир. Бу дастур касблар юзасидан умумий тушунча беради ва ўқувчиларга касбларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради.

АҚШда ҳар бир ўқувчининг фанлар бўйича олган билимларини жамловчи аттестатлар мавжуд. У ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига киришларида ана шу аттестат нусхалари топширилади. Коллежларда ўқиш истагида ҳужжат топширган ўқувчилар юқори ўрта мактабнинг сўнгги икки йили билимлари ҳажмида кириш тест синовларидан ўтказиладилар. Тест синовларини амалга ошириш махсус таъсис этилган таълим тест хизмати ҳамда Америка коллежлари тест синовлари хизмати томонидан адо этилади. Тест синовлари тегишли билимлар бўйича ўқувчиларнинг савиясини белгилаб беришдан ташқари ўғил-қизларнинг танлаган касбига лаёқатини ва қобилиятини ҳам аниқлайди.

Чунки ўқувчи танлаган касб унинг табиатига, соғлиғига, дунё қарашига мос келмай қолиши мумкин. Тест синовларида аттестатда кўрсатилган баллар умумлаштирилади ва ўқувчилар томонидан берилган тавсифномалар эътиборга олиниб, коллежга кирувчининг тақдири белгилаб берилади.

Одатда ўқувчиларга дастлабки 6 йил давомида барча ўқув предметлари бўйича бир ўқитувчи билим беради. Кейинги 6 йил ичида эса ҳар бир предмет бўйича алоҳида ўқитувчи белгиланади.

Айрим мактаблар ўқувчиларининг ўқув предметларини ўзлаштиришда энг янги ўқув воситаларини қўллаш ва ўрганилаётган дарсликларни программалаштириш туфайли катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Мактабларда қўлланиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (коллиграфия ва ёзув қоидаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар), таълим телевидениеси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳоказолардан иборат.

Мактаблар ишини ташкил этишдаги яна бир ўзига хослик шундаки, ўқув биноларидан бутун йил давомида фойдаланиб турилади. 1970 йилларда Америка маорифчилари томонидан илгари сурилган «Мактаб эшиклари доимо очиқ бўлсин» деган чақириқ ҳозир ҳам амалга оширилаётир. Ёзги таътил кунларида ҳам маорифчилар ёшларга турли машғулот ва ўқувлар таклиф қиладилар, мактаб ўқувчилари билимини чуқурлаштириш, улар учун коллежларга тайёрлов курсларини ташкил қилиш билан банд бўладилар.

НИДЕРЛАНДИЯ ТАЪЛИМИ

Нидерландиянинг ер майдони 42 минг км/кв бўлиб, унда 15 миллион аҳоли истиқомат қилади. Унинг шимолий денгиз бўйида уч дарё Рейн, Мааса, Схелде денгизга қуйилиш жойида жойлашганлиги, Нидерландияга катта географик қулайлик туғдиради. Шу туфайли ҳам аҳолининг катта қисми кемасозлик, туризм, транзит юкларни кемалар билан ташиб бериш билан банд. Ишга яроқли аҳолидан 6 миллиони ёки 67 фоизи маиший хизмат

кўрсатиш соҳасида, 28 фоизи саноатда, 5 фоизи қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик хўжаликларида меҳнат қилади. Давлат тузимида конституцион монархия, унинг ўз парламенти ҳам фаолият кўрсатади. Бу мамлакат 12 вилоятдан ташкил топган, пойтахти Амстердам шаҳридир.

Нидерландия кичик мамлакат бўлсада, лекин ҳалқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳётда фаол иштирок этади. Ҳозирги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўтмишдоши бўлган миллатлар лигаси айнан биринчи бор Нидерландияда ташкил этилган эди. Бу мамлакатда 1899, 1907-йилларда халқаро тинчлик конференциялари бўлиб ўтган. Ҳозир халқаро арбитраж, халқаро суд шу мамлакатнинг Гаага шаҳрининг Тинчлик саройида жойлашган.

Унинг сиёсати тинчлик сиёсатидир. У халқаро тинчликни сақлаш ташкилотларининг аъзоси, тинчлик форумларининг барчасида фаол қатнашади. У БМТ, НАТО, ЕЭС, Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг фаол аъзосидир. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Нидерландияда қудратли индустрияни барпо этиш ишлари бошланди. Бу мамлакат тўғрисида қисқача маълумот ана шулардан иборат.

Биздаги таълим тизимининг қўйилиши буйича АҚШ, Франция, Буюк Британия мутахассисларининг фикри муаллиф диққат эътиборини ўзига жалб этди. Улар бир овоздан собиқ СССРнинг барча ҳудудларида таълимнинг амалга оширилиши бўйича жаҳоннинг истаган мамлакати билан рақобатлаша олиши, уни сақлаш ва такомиллаштириш зарурлигини, собиқ СССР таълим тизимларида ибратли жиҳатлар кўплигини таъкидладилар. Айниқса мустақилликка эришган ҳар бир давлат ўз ҳудудий, маҳаллий этнопедагогик хусусиятидан келиб чиқиб, таълимни ислоҳ этиши зарурлигини қайд этдилар.

Нидерландия таълим тизимларининг шаклланиш даври 1789 йилда француз революцияси натижасида пайдо бўлган Батив Республикаси даврига тўғри келади.

Ҳозирги пайтда мамлакатнинг 75 фоиз мактаблари хусусий шахслар, ташкилотлар ва жамиятлар томонидан, шу жумладан хрестиан ёки католик черковлари тамонидан ташкил этилган.

Бу мамлакатда таълим тизими 7-3-2 шаклдадир. Бошланғич таълим мактабгача тарбия билан қўшилган.

Унинг шакли қуйидаги босқичдадир:

— бошланғич таълим;

— ўрта таълим;

— махсус таълим;

— олий таълим;

— чет элликлар учун таълим.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Бошланғич мактаб 4-12 ёшли болаларга мўлжалланган. Болалар 4-5 ёшларида мактабга келадилар. Бошланғич синфларда ўқиш ҳафтасига 5 кун. Болалар 8 дан 15 гача мактабда бўладилар. Машғулотлар ўйин шаклида амалга оширилади, дарс соатлари чегараланган эмас. Голланд мактабларида 15, 20, 30, 40 минутлик дарсларни учратиш мумкин. Соат 12 дан 13.30 гача тушлик танаффус. Бу пайтда балалар уйларида овқатланиб келадилар. Ўқитувчилар учун тушликда 45 минут танаффус берилади. Машғулотлар аксарият поток бўйича амалга оширилади.

Бу мамлакатда 4 ёшдан кичик болалар учун ўқув-тарбия муассасалари йўқ. Болалар яслилари ҳам бор, лекин улар таълим вазирлиги тасарруфида эмас.

Бошланғич мактабнинг дастлабки икки йили ўқув ўйин режасида болаларни ўқишга, ёзишга, ҳисоблашга, расм солишга, қўл меҳнатига ўргатиш кўзда тутилган. Ўқувнинг кейинги 6 йиллик босқичида болаларга нидерланд тили, математика, ёзув, тарих, география, физика, жамиятшунослик фанлари- дан дарс ўтилади. Махсус мактабларда илоҳиёт дарслари ўқитилади. Бошланғич мактаб ўқувининг сўнгги босқичида

болаларга инглиз тилидан дарс берилади. Бошланғич синфни битирганлик ҳақида ўқувчиларга махсус хужжат берилмайди.

Боланинг бошланғич мактабдаги билими, ақлий ва жисмоний ривожланишига қараб ота-оналар ўрта мактаб танлайдилар.

ЎРТА ТАЪЛИМ

Нидерландия мактабларида ўрта таълим:

— умумий ўрта таълим;

— умумий илмий ўрта таълим;

— ҳунар-техника таълими ва ҳоказолардан ташкил тонган.

Ўз навбатида умумий ўрта таълим ўқиш муддати 4 йил бўлган ўрта ва ўқув муддати 5 йил ҳисобланган олий босқичга бўлинади.

Тайёрлов босқичи ҳисобланган илмий ўрта таълим ҳам икки кўринишга эга: гимназия ва атенсум деб аталадиган типга бўлинади. Ҳар икки кўринишда ҳам ўқиш муддати 6 йил. Тайёрлов илмий ўрта таълим олий илмий ўқув юртларига кирувчиларни етиштириб чиқаради.

Ҳунар-техника (уларда ҳунар-техника) таълими қуйи ҳунар-техника таълими, ўрта ва олий ҳунар-техника таълимидан иборат уч босқичдан иборат.

Ўқувчилар ўқув юртларига кириш учун топширадиган синовлари уларнинг қайси босқич ўқув юртларига кириш хоҳиши ва албатта шунта муносиб билим даражасига қараб белгиланади. Ўрта таълим босқичи ўқувчиларга ўрта ҳунар- техника билим юртларига, олий тип ўрта мактаблари эса олий тоифа ҳунар-техника билим юртлари ҳамда тайёрлов илмий ўқув муассасаларининг битирувчиларига университетлар ва бошқа олий ўқув юртига кириб ўқиш имкониятларини очади.

Ҳунар-техника таълими ўз касб йўналишига кўра қуйидагича кўринишда:

— қишлоқ хўжалик ишлари таълими;

— иқтисодиёт ва маъмурий таълим;

— техник таълим;

— маиший хизмат ва тиббиёт таълими;

— рўзғор юритиш, халк ҳунармандчилиги таълими;

— савдо ўрта таълими;

— денгизчилик ўқув юрти ва ҳоказо.

Нидерландияда ёшлар 16 ёшга тўлгунга қадар ўқишга мажбур. Шундан кейин олинган касб йўналишларини янада такомиллаштириш, юқори малакага эга бўлиш учун ўқишлар яна икки йил давом эттирилади. Бундай ҳолда ўқувчи ҳафтанинг бир ёки икки кунида ўқишда бўлса қолган кунлари ишда бўлади.

Таълим стандартлари деганда, голландиялик таълим мутахассислари режа ва дастурларни тушунадилар.

Нидерланд мактаблари фақат таълим билан шуғулланадилар. Мактабларда ошхоналар ва буфетлар йўқ. Мактабларда овқатлантириш, қонунбузарликни олдини олиш ишлари билан асосан оила, жамоат ташкилотлари машғулдирлар.

Мактабларда 60-70 фоиз ўзлаштиришни нормал ҳолат деб ҳисоблайдилар. Қолганлари бўш ёки ўзлаштирмовчи ўқувчилардир. Бизнинг тушунчамиздек «иккичилар» Нидерландияда йўқ.

Янги мактаб қурилишини лойиҳалаштиришга қўйилган асосий талаблар қуйидагилар:

— синфда ҳар бир ўқувчи учун 6-8 м жой бўлиши;

— ёруғликнинг меъёрида бўлиши;

— ҳар бир ўқувчига етарли майдоннинг мавжудлиги (синфда ҳам мактаб ҳовлисида ҳам);

— индивидуал эътиборнинг бўлиши ва ҳоказо. Мактабларда девор, том, деразалар ойнаванд, ёруғ бахаво қурилган.

МАХСУС ТАЪЛИМ

Нидерландиянинг махсус мактабларида ногирон, ақли заиф, жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар тарбияланадилар.

Бундай турдаги мактаблар икки тоифага бўлинади:

- бошланғич;
- ўрта.

У 8 ёшдан 21 ёшгача бўлганлар учун мулжалланган. Бундай ўқув муассасаларига қўйиладиган асосий талаб тезроқ руҳий, жисмоний носоғлом болаларни бошланғич ва ўрта мактабга тайёрлаб беришни таъминлашдан иборат.

КАТТА ЁШДАГИЛАР ТАЪЛИМИ

Ҳозирги пайтда Нидерландияда катта ёшли фуқароларнинг билим олишга қизиқиши ортиб бормоқда. Аксарият бу тоифадаги кишилар илгари турли сабаблар билан таълим олишга имкониятлари бўлмаган кишилардир. Мана шундай кишиларнинг билим олишга бўлган иштиёқини қондириш учун мамлакатда очиқ мактаблар, очиқ университетлар ташкил этилган. Бу ўқув муассасаларида ўқув машғулотлари мустақил ёки ишдан сўнг амалга оширилади.

ЁШЛАР

Ҳозир Нидерландияда мамлакат умумий аҳолисининг 40 фоизини 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Мамлакат ёшлар сиёсатининг асосий йўналиши уларни маълумотли, касб-корли қилишга, ёшларни мамлакат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётида фаолроқ иштирок этишини таъминлаш, уларнинг кўнгилли дам олишларини яхшироқ ташкил этишни таъминлашга қаратилган.

Кейинги пайтларда мамлакатда ёшларнинг ижтимоий истиқболлари кескин ўзгарди. Уларда ҳаётий жараёнларга қизиқиш анча кучайди, шунингдек улар ўз муаммоларини ўзлари мустақил ҳал қилишга тобора интилмоқдалар.

Ёшлар бошқа мамлакатлардаги тенгдошлари сингари жамиятдаги ўз ўрнини топиш ва уни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

Ёшлар сиёсатига оид, давлат аҳамиятига молик масалаларни фаравонлик, соғлиқни сақлаш ва маданият ишлари вазирлиги ҳал этади. Бу вазирлик бошқа вазирликлар билан ҳамжиҳатликда ёшлар эҳтиёжларини, шу

жумладан уларни иш билан, турар жой билан таъминлаш, моддий фаровонлигини яхшилаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш каби масалаларни мувофиқлаштиради, ҳал этади.

Катта авлоднинг, бошқарув ишидаги мансабдорларнинг фаолиятида энг кўзга ташланган соҳа ёшларнинг ишсизлигини тугатиш, уларга кенг кўламдаги ёрдамлар уюштиришга сидқидилдан ёндашаётганлигидир. Нидерландияда ёшлар ишлари бўйича федерацияси мавжуд бўлиб унинг вазифаси ҳукуматда, парламентда ёшлар манфаатини ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Нидерландияда қарийиб 4 млн. ёшлар кундузги ўқувлар билан қамраб олинган. Мамлакатда мажбурий таълим пулсиз, катта ёшлилар мактаблари ва олийгоҳларида пулликдир.

Баъзан мактабларда ота-оналар ўқув тарбия ишларини амалга оширишга ўз маблағлари билан ёрдамлашишга хоҳиш билдирадилар. Бундай истаклар қабул қилинади. Барча ўқтувчилар ва тарбиячилар маошлари давлат томонидан таъминланади.

Расмий маълумотларга қараганда, таълим вазирлиги Нидерландияда энг қиммат турувчи вазирликдир. Унга давлат бир йилга 29,6 миллиард гулден маблағ сарф этади. Бу давлат бюджетининг 17 фоизидир.

Ўқитувчи тўлиқ ҳолда маош олиш учун ҳафтасига 40 соат сарф этмоғи керак.

Бизнинг мамлакатимизда асосан эркаклар 60 ёшда, аёллар эса 55 ёшда фаҳрийга чиқадилар. Нидерландияда эса эркаклар учун ҳам аёллар учун ҳам бир хил пенсия ёши 65 ёш. Пенсия миқдори оиладаги кишилар сонига қараб белгиланади.

Назорат саволлари:

1. АҚШ таълим тизимининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб беринг.
2. Нидерландияда мажбурий таълим қандай амалга оширилади?

3. Нидерландия хунар-техника билим юртларида тингловчиларга қандай ихтисосликлар бўйича таълим берилади?

Адабиётлар

1. Б.Ф. Вульфсон “Сравнительная педагогика” М., 2003 й.
2. В.А. Капранова “Сравнительная педагогика” 2004 й.
3. Н.Х. Таканаев «Чет эллар педагогикаси тарихи”-Т, 1959 й.
4. М.А. Соколова ва бошқалар «Қиёсий педагогика”-Т, 1983 й.
5. А.А. Холиқов “Францияда педагогик фикр тараққиёти”-Т, 1998 й.
6. “Турк таълим тизими”-Т,1994 й.
7. “The word book enceclopedia”, 1994 й. 1-жилд.
8. “The word book enceclopedia”, 2-жилд.
9. “The word book enceclopedia”, 3-жилд.
10. “The word book enceclopedia”, 4-жилд.

Мавзу: Жаҳон мамлакатларида педагог кадрларга бўлган эҳтиёж ва уларни тайёрлаш масалалари.

Режа:

1. Европада ўқитувчиларни дастлабки тайёрлаш масалалари.
2. Ўқитувчиларни ишга қабул қилиш.
3. Ўқитувчилар малакасини ошириш қоидалари.

Бошқа кўплаб касблар каби ўқитувчилик касби тайёргарлиги дастлабки педагогик таълим олингандагина тугамайди. Ўқитувчиларга доимий янгиланиб турувчи талаблар қўйилади. Профессионал ўқитувчи бу янгиланишларга табиий равишда ўз касбий даражасини доимий ошириб бориш билан эришиши лозим. Ўқитувчиларни тайёрлаш узлуксиз жараён

сифатида ишга киргунича, ишга кираётган вақти ва ишлаётган даври босқичларини ўз ичига олиши керак.

Ўқитувчиларни дастлабки тайёрлаш.

Европа Иттифоқининг аксарият давлатларида(Дания, Финландия, Франция, Германия, Греция, Ирландия, Испания, Швеция, Буюк Британия) бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчиларининг дастлабки тайёргарлиги олий ўқув юртларида кечади. Ўрта мактабнинг бошланғич синфларида дарс бериш учун ўқитувчилар олий маълумотли бўлиши керак (Австрия), Белгия, Голландия бундан истисно.

Ўқитувчиларнинг касбий ва амалий тайёргарлиги асосий курс билан бир вақтда(баравар усул) ёки асосий курсдан кейинги, масалан, аспирантура даражасида(изчил усул) олиб борилади. Баравар усул бўйича кириш талабларига тўлиқ ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, баъзи ҳолларда олий маълумот олишга лойиқлиги ҳақидаги сертификат талаб қилинади. Изчил усул бўйича дастлабки олий маълумот (университет ёки ундан бошқа)ни махсус фан йўналишда эгаллаган талабалар муаллимликка аспирантура ёки университетдан ташқари курсларда тайёрланади.

Баравар усул ўқитувчиларининг барча таълим ва тайёргарлиги бошланғич мактабларда изчил усулда йўлга қўйилувчи Франциядан бошқа барча давлатларда тарқалган. Англияда ҳар икки усул ҳам амал қилади, аммо мактаб ўқитувчиларини тайёрлашнинг баравар усули кенгроқ тарқалган.

Шотландияда касбий таълимда лекторлар педагог даражасини эгаллашлари мумкин. Бу мажбурий бўлмасада, 85% лекторлар бу даража соҳиби бўладилар. Педагоглар тайёрлашда лекторлар учун албатта педагог малакаси талаб қилинади. Олий таълимнинг бошқа соҳаларида лекторлар одатда бундай малакага эга эмаслар. Ҳозирги кунда университет ходимлари учун таълим курсларида педагогик методларга таянилади.

Лекторлардан олий таълимда ҳам, ундан кейинги таълимда ҳам таълим усулларини доимий яхшилаб бориш талаб қилинади. Бу турли сабаблар

билан изоҳланади. Бир қанча давлатларда лектторлардан яхши натижаларга эришиш талаби қўйилган қоидалар мавжуд. Шунингдек:

- Талабаларнинг муваффақиятлари билан боғлиқ молиявий пул улуши мавжуд.
- Талабаларга ҳар бир предмет бўйича сўровномаларни тўлдиришга берилади. Натижалар курсдаги барча лекторларни жамловчи курс қўмитаси аъзолари, талабаларнинг вакиллари, ишлаб чиқариш ва маҳаллий жамиятлар вакиллари ҳузурида эълон қилинади.
- Таълим сифатини текширишни амалга оширувчи инспектор ва бошқа университет ходимлари иштироки.
- Талабаларни баҳоловчи профессионаллар гуруҳи.

Ёмон ўқитиш мазкур курсга жуда кам талабаларни тўплашга сабаб бўлади ва бу ўз навбатида курнинг ёпилишига олиб келиши мумкин.

Дастлабки курсларни тасдиқлаш

Шотландия Давлат котиби ўқитувчилар тайёрланишини бир неча йўл билан назорат қилади:

-У мактаб ўқувчилари таълими курсини тасдиқлайди.

-Тасдиққа эга бўлган, шароитларни яратиб берувчи ҳомий ташкилотларга кўрсатмалар беради.

-Ҳар йили малака ошириш курсларига кириш талабларининг энг қуйи даражасини ишлаб чиқади.

-Тълим учун ўқитувчилар сони ўрнини назораи қилади.

Мактаб инспектори педагогик таълим сифати кафолатида муҳим рол ўйнайди.

1994 йили англия ва Уэлсда ўқитувчилар тайёргарлиги агентлиги (ЎТА) ташкил қилинди. Унинг мақсадлари қуйидагича:

-Таълимнинг барча йўналишлари бўйича сифат ва самарадорликни яхшилаш

-Ўқитувчиларнинг барча мактабларда курсларга жалб қилинишини кафолатлаш.

-Ўқитувчиларнинг дастлаб тайёргарлиги учун давлатрежасини ишлаб чиқиш ҳамда янги ўқитувчилар учун давлат стандарти ва талабларини кўриб чиқиш.

ЎТА “Ўқитувчи малакаси статусининг давлат стандарти”ни ишлаб чиқди. Шунингдек рўйхатдан ўтган ташкилотларда ўқитувчиларнинг дастлабки тайёргарлиги курсини муваффақиятли тугатган талабалар малакали ўқитувчи мақоми(МЎМ)га эга бўладилар.

Ҳар бир курс ҳар бир таълим олувчига ҳар бир стандарт бўйича алоҳида баҳони ўз ичига олади.

Талабага қуйидаги стандартлар талаби қўйилади:

— Предметни билиш ва англаш.

— Режалаштириш, синфдаги ўқувчиларга таълим бериш ва уни бошқариш.

— Назорат, баҳолаш, журнал юритиш баёнот ва ҳисобот бериш.

— Бошиқа касбий талаблар.

Охирги тоифа қуйидаги билимларни ўз ичига олади: ўқувчиларга ўзининг шахсий ва касбий хулқи билан намуна бўлиш, касбий такомиллашиши кераклигини англаш ва педагогика янгиликлари, ўз предмети янгиликларидан хабардор бўлиб бориш.

Умумий ўқитувчилар кенгашлари

Шотландияда умумий ўқитувчилар кенгашлари (УЎК) 1965 йили ташкил қилинган бўлиб, у шотланд уқитувчилари касбий даражасини яхшилаш, касбга киришиш стандартларини белгилаш ва бу стандартлар дастлабки тайёргарлик курсларида маълум структураларга эришиш мумкинлигига ишончни тарбиялайди. Янги ўқитувчилар УЎКга шартли қабул қилинадилар. Тўлиқ аъзо бўлиш фақатгина икки йиллик синов муддати тугаганидан сўнг амалга ошади. Тўлиқ аъзо бўлган ўқитувчилардан ўз касбий даражасини

узлуксиз такомиллаштириш, ўз-ўзини баҳолашни ривожлантиришга тайёр бўлиши талаб қилинади.

Англия ва Уэлсда ташкил қилинган УЎК қуйидаги муаммолар ечимига ёрдам беради:

— таълим стандартлари;

— ўқитувчилар хулқи стандартлари;

— ўқитувчи касбининг ўрни;

— ўқитувчининг тайёргарлиги, обрўси ва фаолияти;

— ўқитувчи кадрлар сафини тўлдириш;

— дарс беришга тиббий жиҳатдан яроқлилик.

Ўқитувчиларни ишга қабул қилиш

Вазифага киришиш

Янги ўқитувчи учун дастлабки бир неча йил оғир кечиши мумкин. Бир қанча давлатларда (Австрия, Белгия, Англия, Дания, Франция, Германия, Греция, Ирландия, Италия, Шотландия, Швейцария) янги ўқитувчини дастлабки тайёргарлик курсини муваффақиятли якунлаб, ишга кириш арафасида баҳолаш даври мавжуд.

Австрияда синов муддати бир йилдан иборат. Мактаб ходими янги ўқитувчининг фаолиятини кузатиб боришга жавобгар ҳисобланади. Янги ўқитувчи йил давомида ҳафтада бир марта пединститутга катнаш имкониятига эга.

У бу муддатни қай даражада муваффақиятли ўтказганини мактаб жамоаси, илмий мудир, мактаб инспектори ва пединститут ходими ҳал қиладилар.

Белгияда ўқитувчи стажер бўлгунича 240 кун вақтинчалик ўқитувчи бўлиб ишлаши лозим. Стажировка яна бир йилни ўз ичига олади. Бир йилдан сўнг стажёр фаолиятини илмий мудир ҳамда мактаб инспектори баҳолайди. Илмий мудир ва мактаб инспектори баёнотига асосан мазкур ўқитувчининг лавозимига лойиқ эканлиги ёки синов муддатини яна бирон йилга узайтириш лозимлиги ёҳуд унинг фаолияти умуман қониқарсиз эканлиги ҳал қилинади.

Германияда синов муддати бўлғуси ўқитувчининг касбий тайёргарлик даражасига қараб белгиланади.

6 даража мавжуд: 1 — энг юқори, 5 ёки 6 қониқарсиз. Ўқитувчи биринчи даражада 12 ой синов муддатида фаолият юритади, 2 — 15 ой, 3 — икки йил.

Мактаб инспектори илмий мудир қарашларига асосан синов муддати нечоғли самарали ўтганлиги ҳақида қарор қабул қилади.

Данияда синов муддати икки йил давом этади. Якуний қарор асосан илмий мудир ахбороти асосида мактаб кенгаши томонидан қабул қилинади. Грециядa дарс ўтишнинг дастлабки икки йили синов муддати ҳисобланади. Шундан сўнг ўқитувчи мактаб маслаҳатчилари томонидан баҳоланади. Баҳо ижобий бўлган ҳолда ўқитувчи ўз вазифасида доимий қолдирилади.

Шотландияда янги ўқитувчи таълимга мувофиқ курсни тугатган ҳамда УЎКнинг шартли рухсати билан ўқитувчи ҳисобланади. Тўлиқ рўйхатдан утиш фақатгина икки йиллик синов муддатидан сўнггина амалга оширилади.

Европа модели: Ўқитувчилар малакасини ошириш

Европа давлатларида буни ташкил қилишнинг аниқ кўринишини тасвирлаш бир неча сабабларга кўра қийин кечади:

— Таълим даражасидаги фарқлар.

— Муқаррар ва қўшимча таълим.

— Машғулот тури — давомийлик ва предметлар бўйича.

Малака ошириш асосан ривожланишнинг икки босқичида кечади (Австрия, Белгия, Финляндия, Нидерландия, Португалия, Шотландия, Испания, Швеция). Даставвал у норасмий ва кўнгилли равишда, шундан сўнг иккинчи босқичда аниқ тизимли, муқаррар равишда бўлади. Одатда таълим барча даражадаги мактабларда бир вақтда олиб борилади (Австрия, Германия, Норвегия, Португалия, Шотландия). Бунгача дастлабки шу сингари амалиёт бошланғич мактабларга юклатилган эди (Франция ва Люксембургда), Ирландияда эса истисно тариқасида норасмий машғулот даставвал ўрта мактабга киритилган.

Ўқитувчилар тайёрланиши агентлиги Англия ва Уэлсда малака оширишнинг доимий стандартларини ишлаб чиқди. Стандартларнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

— ўқитувчиларга касбий фаолиятнинг ҳар хил кўринишларида ёрдам бериш: такомиллашувнинг самарали режасини тузиш ва текшириб бориш, ўз-ўзини такомиллаштиришга тайёргарлик, фаолият ва бу йўлда аниқ мақсадни қўя олиш;

— ўз-ўзини такомиллаштиришда ўқувчиларнинг маълум ютуқларга эришиши учун мақсадни йўналтира билишни доимий таъминлаш ва таълим сифати;

— ўқитувчи меҳнатининг асосини профессионал жиҳатдан англашни таъминлаш;

— узлуксиз касбий камолотни режалаштириш ва ўқитувчиларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш ҳамда уларнинг ўқувчиларига энг юқори фойда келтирувчи юксак малакавий машқларни тақдим қилишга кўмаклашиш.

Шотландияда ўқитувчилар малака оширишга бўлган ўз эҳтиёжлари билан баҳоланадилар. Шундан сўнг улар бу эҳтиёжларни тажрибали ходимлар билан муҳокама қиладилар. Ўрта мактабда катта ўқитувчининг вазифасига кадрлар тайёрлаш масалалари билан ишлаш киради. Муҳокама миллий таълимни бошқаришда, мактабда ва индивидуал ривожланишда энг муҳим эҳтиёжлар доирасида ўтади. Ходим эҳтиёжи, хоҳ, ўқитувчилик, хоҳ, ундан ташқари ишда бўлсин, мактабни ривожлантириш режасининг энг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолади, Бу эҳтиёжларнинг бир қанчаси маҳаллий даражада, бошқаси таълимни бошқариш даражасида, ўқитувчилар малакасини ошириш институти ёки экспертлар ёрдамида қондирилиши мумкин.

Грецияда ўқитувчилар жойларда ҳар 5-6 йилда уч ойлик ўқитувчилар малакасини ошириш курсларини ўташлари керак. Бундан мақсад

ўқитувчиларни турли тартибдаги таълим соҳасининг энг сўнгги янгилик ва ютуқлари, ўқув дастурлари, ўқитиш усуллари билан таништириб боришдир.

Тадқиқотлар мактаб фаолиятининг самарадорлиги, таълим муассасасининг раҳбарлик қобилиятига шубхасиз боғлиқ эканлигини кўрсатади. Яқиндан бери Шотландияда "Директорларни менежмент бўйича тайёрлаш" курслари фаолият юритмоқда. Улар жойларда машқлар орқали ва турли масалалар юзасидан материаллар эълон қилиш воситасида таълимнинг юксак стандартларини ушлаб туришга имкон беради.

Шотландия офиси Шотландия директорлари стандартини тайёрлади. У ушбу лавозим соҳибига хос бўлувчи чуқур билимлиликнинг асосий ўлчамларини белгилаб беради.

Ўқитувчилар билан давомли ҳамкорлик ва ўзаро маслаҳатлашувлар жараёнида ишлаб чиқилган стандарт Шотландия раҳбарлари малакаси (ШРМ) нинг асоси ҳисобланади. ШРМни эгаллашга олиб борувчи ўқитувчилар малакасини оширишнинг бу янги кўриниши айни дамда қайта ишланиш босқичида.

Иш жойларида тайёргарлик ўтказиш қарори

Францияда Вазир ҳар йили келгуси ўқув йилида ўқитувчилар таркибини тайёрлаш машқларида ҳисобга олинадиган принциплар, раҳбарлик ва энг аҳамиятли нарсалар. баённомасини ишлаб чиқади. Мактаб директори машқларнинг миллий дастурини тайёрлайди. Қуйидагилар энг зарур деб ҳисобланади:

— Билимларнинг замонавийлиги;

— Ўқитиш усулларини такомиллаштириш;

— Бошқарув малакасини ривожлантириш.

Греция таълим вазирлиги миллий даражадаги малака оширишга жавоб беради. У энг зарур нарсаларни аниқлайди, масалалар қўяди ва машғулотлар шакли ҳамда мазмуни юзасидан қарор қабул қилади. Шунингдек, шунта мос қонунчилик асосларини ишлаб чиқади. Италияда малака ошириш тўрт хил ҳаракат кўринишидаги тайёргарлик бўйича миллий дастурга асосланади:

— Миллий тизим;

— Минтақавий тизим;

— Вилоят тизими;

— Маҳаллий ўқитувчилар кенгашлари.

Ирландия Республикаси таълим департаменти малака оширишни ташкил қилади, белгилайди ва унга хомийлик қилади. Бир қанча агентлар департаментга эҳтиёжларига жавоб берувчи ўз таклифларини киритадилар. Таклифлар инспекторлар томонидан кўриб чиқилади. Шотландияда Давлат котиби 75 фоиз миқдор фондни алоҳида грантлар тизимининг энг асосий соҳалари курсларига ажратади. Ҳомийлик жабҳаси департамент томонидан таълим бошқаруви аввалдан хабардор инспекторат иштирокида кўриб чиқилади.

Курсларга муқаррар ва эркин қатнашиш

Европанинг бир қанча давлатларида давомийлиги бир неча кун бўлган мажбурий малака ошириш ҳақида қарор қабул қилинган (Финляндия, Ирландия, Норвегия, Партугалия, Шотландия, Испания). Бошқа мамлакатларда бир кунлик конференцияларга иштирок этиш мажбурий ҳисобланади (Бельгия ва Франция).

Белгияда ҳар йили маҳаллий инспекторлар томонидан иш жойларида уюштириладиган икки-уч кунлик курсларга қатнашиш мажбурийдир. Инспекторлар томонидан қўшимча курслар ҳам ташкил қилиниши мумкин, бироқ уларга қатнашиш мажбурий эмас. Шотландияда ўқитувчиларга тайёргарлик учун ҳар йили 5 кун ажратилади ва унинг берилишига таълим бўлими жавоб беради. 50 соат минимум ишни режалаштириш вақти (ИРВ) ҳар йили ўқитувчиларнинг мактабнинг кенгроқ миқёсдаги эҳтиёжлари учун ажратилади. Таълим режасини қайта ишлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, мактабнинг ички алоқалари, касбий камолот, педкенгаш ва таълим бўлими йиғилишларида касбдошлар билан учрашишни мисол қилиш мумкин. Ўқитувчи 50 ИРВнинг 20 соатини директор кўмагида индивидуал иш учун ажратиш ҳуқуқига эга.

Бутун профессионал фаолияти давомида ўз эҳтиёжларини қондириш учун Францияда ўқитувчиларга тайёргарлик курсларида иштирок этиш учун(36 ҳафта) кредит ажратилади. Уларга курсларга ўз ихтиёри билан қатнашиши ҳуқуқи берилади. Уларнинг қатнашуви таълим бўйича туман инспекторати томонидан рағбатлантирилади. Нидерландияда ўқитувчилар малакасини оширишнинг қизиқ ўзига хослиги бор — уларда ҳатто ишсиз ўқитувчилар ҳам машғулотларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Европа Иттифоқининг ҳар бир давлатида жойларда тайёргарлик ўтказиш учун қанчадан пул сарфланишини аниқ айтиш қийин. Бироқ шуни айтиш лозимки, машғулотларга ажратилган маблағ таълим учун ажратилган умумий маблағнинг 1 фоизга яқинини ташкил этади.

Бир қанча давлатларда (Англия, Нидерландия, Шотландия) ўқитувчилар тайёргарлигига ажратилган маблағ мактабларга берилади. Мактаблар ўз эҳтиёжларини ўзлари аниқлайди ёки уларни мавжуд воситалар, баъзан ташқи агентлар ёрдамида белгилайдилар. Бу эҳтиёжни қондириш тизимини яхшилаш ҳамда иш сифатини оширишга олиб келади. Ҳукумат зиммасида машғулотларни миллий ташаббус миқёсида маблағ билан таъминлаш вазифаси қолади.

Англия ва Уэлсда ўқитувчилар малакасини оширишни маблағ билан таъминлаш уч манба асосида шаклланади:

— Ҳукумат миқёсида. Бунда фонд маҳаллий таълим органлари воситасида тақсимланади.

— Маҳаллий таълим бўлимларининг ўз маблағлари. Бир қисми мактабларга берилиб, бир қисми ўқитувчиларни жойларда тайёрлашга ажратилади.

— Малака ошириш машғулотларини маблағ билан таъминлаш фонди. Ўқитувчиларни тайёрлаш агентлиги мактаб ўқитувчилари учун очилган курсларга ҳомийлик қилади.

Англия ва Уэлсда 23000 бошланғич ва ўрта мактабларнинг 400000 ўқитувчисини қайта тайёрлаш учун ҳар йили 800 миллионга яқин доллар сарфланади.

Норвегия ҳукумати малака ошириш курсларига ўқитувчиларнинг қатнашувини маблағ билан қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олади. Ўқитувчига ислоҳотлар билан боғлиқ предмет бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва бошқа мактаб масалалари бўйича шахсий жавобгарлик юкланади. Даниянинг ҳар бир мактаб бошқарув кенгаши йиллик бюджетдан ўқитувчилар малакасини ошириш учун керакли маблағни ажратишни зим-масига олади. Ҳар бир мактаб директори мактабнинг ўқитувчиларни қайта тайёрлаш сиёсатини аниқлайди, ҳар бир машғулот турига фонд ажратиш, ўқитувчиларни курсларга тақсимлаш масалаларини бажаради.

Греция таълим вазирлиги ўқитувчиларни тайёрлашнинг барча турлари бўйича маблағларни режалаштириш ва бошқаришга жавоб беради. Ўз вақтида минтақавий бошқарув органлари ижро этувчи ролини ўйнайди.

5 ойлик тайёргарлик курсларини йўл-йўлакай ўтовчи доимий ўқитувчилар ҳали ишга кирмаган, тайёргарлик босқичини ўтаган ўқитувчилар билан алмашадилар. Белгияда ўқувчилар таътилга чиққанида ўқитувчилар учун 2-3 кунлик тайёргарлик курслари уюштирилади.

Ўзбекистонда ўқитувчилар малакасини оширишни ўтказишнинг асосий томонлари :

-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ўз предмети бўйича ошириш;

— ўқитишнинг янги усулларини ўрганиш;

— тажриба алмашиш ва тажрибали педагогларнинг таълими;

— компьютер малакасини ўрганиш ва такомиллаштир иш.

Асосий заиф томонлар:

— ўқитишнинг ёмон усуллари;

— зарур ва замонавий адабиётларнинг етишмаслиги;

—малака ошириш институтларидаги ёмон шароит;

— кераксиз предметларнинг кўплиги;

— компьютер технологиясини эгаллашининг паст даражаси;

— юксак малакали педагогларнинг етишмаслиги.

Ўзбекистонда ўқитувчилар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш усуллари:

— чет давлатларда стажировка ва чет эл тажрибасини ўрганиш;

— малака ошириш институтларига тажрибали маърузачиларни жалб қилиш;

— замонавий методик адабиётларнинг қўлланилиши;

— компьютер малакаларини ўзлаштириш;

— малака ошириш институтларининг минтақавий филиалларини ташкил қилиш;

— ўқитишнинг замонавий усуллари;

— амалий машғулотлар устуворлиги;

— ўқувчилар фикрига эътибор бериш;

— ўқувчилар эҳтиёжларига катта эътибор бериш.

Ўқитувчилар доимий касбий ривожланишда ўз эҳтиёжларини аниқ белгилай оладилар. Улар ўқитиш усулларини бошқа тажрибали ўқитувчилар билан муҳокама қилиб аниқ баҳолай оладилар ва компьютер малакаларини такомиллаштирадилар. Бир вақтда ўқитувчиларнинг аксарияти маърузаларни қизиқ эмас ва зерикарли, ўқитиш усулларини ёмон ва баъзилари хатто малака ошириш институтларига қатнашиш вақтни ва пулни бекорга сарфлаш деб ҳисоблайдилар.

Вазиятни ўзгартиришнинг биринчи усули — чет эл тажрибасини қўллаш ҳисобланади.

Европада ўқитувчилар таркибини такомиллаштириш талабларини таҳлил қилиш анъанаси шаклланган. Ривожланиш режаси мавжуд институтларда такомиллашиш зарурати ходимлар бўйича йиғилади ва жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинади.

Назорат саволлари:

1. Европада ўқитувчиларни дастлабки тайёрлаш масалалари қандай амалга оширилади?
2. Ўқитувчиларни ишга қабул қилиш қоидалари нималардан иборат?
3. Ўқитувчилар малакасини ошириш қоидалари.
4. Ўзбекистонда ўқитувчилар малакасини ошириш қандай амалга оширилади?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”.-Т, “Шарқ”, 1998 й.
2. Б.Ф. Вульфсон “Сравнительная педагогика” М., 2003 й.
3. В.А. Капранова “Сравнительная педагогика” 2004 й.
4. Н.Х. Таканаев «Чет эллар педагогикаси тарихи”-Т, 1959 й.
5. М.А. Соколова ва бошқалар «Қиёсий педагогика”-Т, 1983 й.
6. А.А. Холиқов “Франциядa педагогик фикр тараққиёти”-Т, 1998 й.
7. “Турк таълим тизими”-Т,1994 й.
8. “The word book enceclopedia”, 1994 й. 1-жилд.
9. “The word book enceclopedia”, 2-жилд.
10. “The word book enceclopedia”, 3-жилд.
11. “The word book enceclopedia”, 4-жилд.
12. “The word book enceclopedia”, 5-11 жилд.